

Эзгулик, шукроналик байрами құтлуг бўлсин!

Рамазон ойида юртимизга Аллоҳ таолонинг раҳмати мўл-кўл ёғилди. Мўмин-мусулмонлар субҳидамда сахарлик дастурхонидан туриб ибодатта киришиди. Файзли оқшомларда эса ифторлик қилиб, қалб роҳати – таровех намозини адо этишди. Аллоҳ таоло фарз қилган закотлар адо этилди, фитр садақалари, фидялар берилди.

Аллоҳга беҳисоб шукр, бу йилги Рамазон кунлари ва тунлари жуда файзли ва мароқли ўтди. Моҳи шарифнинг муборак айёmlарини ғанимат билиб, қўлдан келганича рўза тутиб, нафс тарбияси билан машғул бўлдик. Ҳадиси шарифга амал қилиб, тилни ёлғон, ғийбат ва беҳуда гаплардан тишиш, тана аъзоларини турли гуноҳ ва маъсиятлардан сақлашга ҳаракат қилдик. Қутлуг ойда 2 мингдан зиёд масжидда таровех намози ўқилди, 1,5 мингдан ортиқ жомеда Куръони карим хатм қилинди. Мухлис халқимиз Ҳақ таоло Каломига сомеъ бўлди. Уламоларимиз ва имом-хатибларимиз намозхонларга бу ойда кўпроқ ваъз-насиҳатлар қилишди.

Жорий Рамазон ойи халқимиз учун эсда қоларли ва меҳр-мурувват, хайру саховаттга бой ўтди. Юртимиз бўйлаб маҳаллаларда мұхтож оиласлар ва бева-бечоралар, етимлар ҳолидан хабар олиниб, уларга ифторлик дастурхонлари ёзилди, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Бундай эзгу ишлардан яна бири мұхтарам Юртбошимизнинг ғамхўрлиги ва қўллаб-куватлови билан кам таъминланган, бокувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оиласлар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг 1400 нафари умра зиёратини адо этиб қайtdi.

Ҳайит кунлари қариндош-уруғлар, етимлар, бевалар, кексалар ва имконияти чекланган инсонлар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг кўнглини кўтариш, оғирини енгил қилиш беҳад савобли амаллардандир.



Нуриддин домла ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий

Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ “Фатхул Борий” асарида ёзади: “Ҳайит кунлари шодликни изҳор қилиш диннинг шиорлариданdir”.

Аллоҳ таолога қилинган тоат-ибодатлар, У Зотнинг бандаларига кўрсатган раҳмату мағфирати туфайли хурсандчилик изҳор қилиш учун бир муносабатдир. Аллоҳ таоло: “Аллоҳнинг фазли ва раҳмати ила. Ана шу билан хурсанд бўлсинлар. У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир”, дега марҳамат қилган (*Юнус сураси, 58-оят*).

Аллоҳнинг фазлидан хурсанд бўлиш ҳам У Зотга қурбат саналади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ таолога фарз амалларидан сўнг энг маҳбуб амал мўминнинг қалбига қувонч улашишдир” (*Имом Табароний ривояти*) деганлар.

Рамазон ҳайити иймон ҳаловати, ибодат ва дуо-истигфор байрамидир. Бу байрамда мусулмонлар жоме масжидларга тўпланиб, Ҳайит намозини адо этишади. Ҳалқимизга, Ватанимизга, бутун дунёга осудалик тилаб, дуо илтижолар қилишади.

Ҳақ таоло бутун дунё мусулмонларига Рамазон ҳайити байрамини муборак айласин, бутун оламга тинчлик-хотиржамлик ато этсин, ибодатларимизни даргоҳида қабул этсин, она-Ватанимизни обод, ҳалқимиз ҳаётини янада фаровон қилсин!

Киши исломининг гўзаллиги

**Бугун оммавий ахборот восита-
ларию ижтимоий тармоқларни кузата-
туриб, дунёда кечайётган зилзилаю
тўйфонлар, касаллигу жиноятлар, одам
савдоси, урушлар, коррупция, террор-
чилигу очарчиллик каби ноxуш хабар-
лар тарқатилаётганига гувоҳ бўламиз.
“Ҳаёт тобора ёмонлашиб кетяпти”
деган ваҳима чулғайди кишини.**

Аслида ҳам шундайми?

Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш таш-
килоти маслаҳатчиси Ҳанс Рослинг бун-
дай ёзади: “Бугун жаҳон ахборот макони-
да дунёда рўй берайётган ноxуш ҳодисалар
узлуксиз бериб борилади. Чунки бундай
воқеалар омма орасида тез тарқалади.
Хабар тайёрловчилар ҳам шу мазмундаги
янгиликларни саралайди ва обуначини жалб
қилиш учун турли усулларни ўйлаб топади.

Яхши хабар – янгилик эмас. Шу боис улар
деярли эзлон қилинмайди. Агар бирор шов-
шувли хабар бўлмаса, ўша дастур эътироф
этимайди. Одатда кишилар ижобий ма-
нодаги ахборотни эшиштмайдилар”.

Ҳанс Рослинг гапларида жон бор. Чунки
оммабоп сайту ижтимоий тармоқлар са-
ҳифалари ноxуш воқеаю хабарларга бой.
Уларда энг кўп ўқилган ёки кўрилганлари
ҳам “ўлдирилди”, “ҳалок бўлди”, “портла-
тилди” каби шов-шувли янгиликлардир.

Психологлар таъкидлашларича, ҳар
қандай ахборот онг остида сақланади.
Доимий равишда ноxуш хабар эшитиш,
лавҳаларни кўриш эса руҳиятга салбий
таъсир этади. Оқибатда киши бағритош,
жиззаки бўлиб қолади. Демак, бундан ён-
атрофимиздаги инсонлар нега бунчалар
бемехр, худбин, ношуқр бўлиб кетаётгани
англашилади.

Нега шов-шувли салбий хабарларга кўп
қизиқамиз?

Куръони каримда: «Нафсимни оқла-
майман. Зеро, нафс ёмонликка ундов-

чиdir...» деб марҳамат қилинади (*Юсуф
сураси, 53-оят*).

Абу Ҳомид Газзолий раҳимаҳуллоҳ: “Инсон нафси ёмонликка етакловчи, унга
мойил ҳамда яхшиликдан қочувчи қилиб
яратилган”, дея таъкидлайди. Демак, ин-
соннинг ёмонликка қизиқиши ва яхши-
ликка эътиборсиз бўлиши бежиз эмас.
Бу унинг тийнатида бор. Нафсни тўғри
йўлга солиш, тарбиялаш эса инсоннинг
зиммасида.

Қуръони каримда: “Аммо ким Парвар-
дигорининг (хузурида) туриши (ва ҳи-
собот бериши)дан қўрқсан ва нафсини
ҳаволанишдан қайтарган бўлса, бас,
фақат жаннатгина (унга) макон бўлур”,
деб марҳамат қилинган (*Нозиот сураси,
40–41-оятлар*).

Нафсимиз вақтни беҳуда сарфлашга,
телефонимизда келаётган турли видео ва
хабарни соатлаб кўришга ундейди. Лекин
вақтдан унумли фойдаланиш, кераксиз
нарсаларга вақт сарфламаслик ўз ихтиё-
римизда. Мусулмон киши одамларга ман-
фаат берадиган илмларнигина тарқатишга
интилиши керак.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анхудан ри-
воят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллал-
лоҳу алайҳи ва саллам: “Сенга манфаат
берадиган нарсага иштиёқманд бўл ва
Аллоҳдан ёрдам сўра!” деганлар (*Имом
Муслим ривояти*).

Яна Абу Ҳурайра розийаллоҳу анху ри-
воят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу
алайҳи ва саллам: “Албатта, беҳуда нар-
саларни тарқ этиши киши Исломининг
гўзаллигидандир”, деганлар (*Имом Тер-
мизий ривояти*).

Демак, мўмин киши нафси етаклаган
томонга кетавермаслиги, ўзига ва бош-
қаларга манфаат келтирадиган ишларга
иштиёқманд бўлиши лозим.


Бобур МУҲАММАД

Мундарижас

ҚУТЛОВ	
Эзгулик, шукроналик байрами	1
құтлуғ бўлсин!	
БУГУННИНГ ГАПИ	
Киши исломининг	
гўзаллиги	2
ШУКРОНА	
Кўнгилларга қувонч улашиш –	
савоби улуғ амал	5
САҲОБАЛАР ҲАЁТИ	
Аҳду паймонига содиқ саҳобий	6
СИЙРАТ	
Хайбат ва муҳаббат соҳиби	7
АСЛИДА ҚАНАҚА?	
Индонезияда Исломни ёйган	
самарқандликлар	8
МЕРОС	
“Махзанул мутеъин” – муҳим	
ақидавий манба	10
ҲАДИС ШАРҲИ	
Биз билан намозда	
ҳозир бўлдингми?	12
ЯХШИЛИККА ЧАҚИРИШ	
«Уларга “Уф” дема...»	13
ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ	
Бузғунчи ғоялар –	
келажагимизга таҳдид	14
САЛАВОТ СОҒИНЧИ	
Буюк сир	15
ТАДҚИҚОТ	
Араблар ва туркийлараро	
илк маданий кўприк	18
ТАДҚИҚОТ	
Чағониённи ким фатҳ этган?	22
ИСЛОМ САБОҒИ	
Хато ва бидъат ўрнак бўлолмайди	23
ИНСОН ЎЗИНГ	
Ота васияти	24
РУҲИЙ ТАРБИЯ	
Бир кунда бир соат	25
ШЕЪРИЯТ	
Гўдакдайин яхши кўраман...	26
МУСУЛМОН ОДОБИ	
Илоҳий файз	29
САОДАТ АСРИГА САЁХАТ	
Бадр ғазоти	30
САЛОМАТЛИК	
Ҳар гиёҳда шифо бор	32



Журналда оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!



4

ТАФСИР

“Кавсар”дан
мурод нима?



11

МОЗИЙДАН САБОҚ

Амир Темурнинг
икрори



16

МАСАЛА

Сўраган эдингиз...



20

ДУНЁДАН

ДАРАКЛАР
Ислом ва олам



28

ЯХШИЛАР ЁДИ

Яхишлик довонидан
ошган эди...

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ ﴿١﴾ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأْخُرْ ﴿٢﴾ إِنَّ شَانِئَكَ هُوَ الْأَبْتَرُ ﴿٣﴾

“Кавсар”дан мурод нима?

Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

“(Эй Мұхаммад!) Албатта, Биз Сизга Кавсарни ато этдик. Бас, Раббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайити учун) намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг! Албатта, ғанимингизнинг ўзи (барча яхшиликлардан) маҳрумдир” (Кавсар сураси).

“(Эй Мұхаммад!) Албатта, Биз Сизга Кавсарни ато этдик”. Ибн Аббос розийаллоху анхумо ва бошқа муфассирлардан қилинган ривоятларга кўра, оятдаги “Кавсар”дан мурод – кўп яхшилик, шу жумладан, Қуръони карим нубувват, илм, ҳикматдир. Ёки бу Қуръон фазилати туфайли берилган кўп яхшиликлардир.

Албатта, у Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўз ҳадисларида таъкидлаганларидек, Аллоҳ таолонинг Набий алайҳиссаломга маҳсус инъом этган ва ажойиб сифатларга эга бўлган жаннатдаги дарёси ҳамдир.

“Бас, Раббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайити учун) намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг! Албатта, ғанимингизнинг ўзи (барча яхшиликлардан) маҳрумдир”.

Имом Замахшарий ва Имом Насафий келтиришича, “кавсар” араб тилида “кўплік” сўзининг ўзаги бўлган “каспа”нинг “фавъал” вазnidаги шаклидир. Кўпликнинг муболага даражасини ифодалайди. Яъни, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга оламлар Рабби кўплигининг чегараси бўлмаган, икки дунёда ҳеч кимга берилмаган даражадаги яхшиликлар берган.

У зот учун икки яхшилик жам бўлган:



- энг улуғ ва мўл-кўл неъматларга эришиш;
- ато қилувчиларнинг энг Карамлиси ва неъмат берувчиларнинг энг Улуғидан ушбу яхшиликларни қабул қилиб олиш.

Демак, Набий алайҳиссалом мана шундай неъматлар билан у зотни иззат қилган, шарафли айлаб, халойиқнинг миннатидан сақлаган Парвардигорига ибодат қиласидилар ва Аллоҳнинг розилиги учун қурбонликни бажо келтирадилар.

Мана шундай васфга эга Набий алайҳиссаломнинг зикри минбар ва минораларда, ҳар бир олим ва зикр қилувчининг тилию дилида дунё тургунча жорийдир. У зотнинг зикри Аллоҳнинг зикри билан бирлашади. Охиратда эса у зот учун таърифу тавсифга сифмайдиган неъматлар бор.

Албатта, “кўп яхшилик”ларнинг аввалида Қуръони карим туради. Чунки илму ҳикмат, нубувват ва у зотга берилган бошқа барча яхшиликлар Қуръони каримда мужассам. У, Имом Замахшарий таърифлаганидек, чегараси бўлмаган даражадаги яхшиликнинг айнан ўзидир. Қолаверса, яхшиликларнинг барчасини жамлаган Қуръон билан қўлга киритиладиган яхшилик ҳам абадий давом этади, чегараланиб қолмайди.

Жўрабек ОМОН ўғли тайёрлади.

Кўнгилларга қувонч

улашиш – савоби улуғ амал

Муқаддас динимиз инсонларни ҳамиша яхшилик қилишга, меҳр-муруват кўрсатишга, саҳоватли бўлишга чақиради.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: *“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхшилик қилишда одамларнинг энг саҳоватлиси эдилар. У зотнинг Рамазон ойидаги энг сахийликлари Жаброил алайҳиссалом у зотга йўлиққанда бўларди. Жаброил алайҳиссалом Рамазон ойи туга-гунича ҳар кечча учрашар, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса у зотга Куръон ўқиб берар эдилар. Жаброил алайҳиссалом у кишига йўлиққанида яхшилик қилишда эсаётган шамолдан ҳам саҳоватлироқ бўлар эдилар”*, дедилар (*Имом Бухорий ривояти*). Демак, сахийлик, қўли очиқлик ҳамда етим-есир, камбағалларга, муҳтожларга кўмак бериш каби фазилатлар бизга Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан меросдир.

Шу йилнинг 17 февраль куни давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи асносида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаровнинг кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оиласлар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни умра зиёратига жўнатиш тўғрисидаги илтимосига розилик берганлари ҳам юқоридаги фикримизнинг тасдиғидир.

Яқинда Президентимизнинг ғамхўрлиги ва яқиндан қўллаб-қувватлаши туфайли 1400 нафар эҳтиёжманд юртдошимиз умра зиёратига бориб келди. Сафар харажатлари эса давлатимиз томонидан қоплаб берилди.

Бундай бахтга мушарраф бўлган юртдошларимиз кўнгли тоғдек кўтарилиб, инсон қадри улуғланган юртда туғилгани учун шукроналар келтиришди. Ушбу хайрли ишлар бошида турганларнинг ҳақларига хайрли дуолар қилишди.

Умрачилиномиз Жидда ҳалқаро аэропортида ишчи гуруҳи ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан қизғин кутиб олинди. Улар Мадина ва Макка шаҳарларида барча шарт-шароитга эга, шинам меҳмонхоналарда туришди.

Шунингдек, эҳтиёжманд фуқароларимизга кенг қулайлик яратиш мақсадида уларга ишчи гуруҳ аъзолари, тибиёт ходимлари узлуксиз хизмат кўрсатиши.

Умра ибодатини адо этган юртдошларимиз кўп йиллик орзулари ушалганидан хушнуд бўлиб, саодатли кунларга етказгани учун Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ким рўзадор кишига ифторлик қилиб берса, у кишига ҳам рўза тутганинг ажридек савоб берилади. Бу билан рўзадорнинг ажридан ҳеч бир нарса кам бўлмас”*, дедилар (*Имом Термизий ривояти*). Ушбу ҳадисдан ифторлик қилиб беришнинг нақадар улуғ экани англашилади.

Президентимиз топшириғига кўра, барча ҳудудларда имом-домлалар маҳалла масъуллари ва маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари билан ҳамкорликда умра зиёратига кетган кам таъминланган юртдошларимиз ва бошқа эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган хонадонларда ифторликлар ташкил этилиб, уларнинг қувончига шерик бўлишди. Ҳар бир уйда Қуръони каримдан тиловатлар қилиниб, маърифий сұхбатлар ўтказилди. Энг муҳими, ушбу хонадонларга нур, файз, барака ёғилиб, бугунги дориламон кунлар қадри, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, ҳалқимиз омонлиги ва фаровонлиги учун шукроналар келтирилди, Президентимиз ҳақларига дуолар қилинди.

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг биринчи ўринборсари

Аҳду паймонига содиқ саҳобий

Арабларнинг насаби ва ҳасаби улуғ оиласида вояга етган бу саҳобийнинг ота-онаси обрў-эътиборли, жоҳилият даврида ҳам кўп яхшилик қилувчи кишилар эди. Аллоҳга, Расууллоҳга ва Исломга самимияти жуда юксак бўлган саҳоба нажжорлик Анас ибн Назр умрини “Дин насиҳатдир”, деган ҳадис биланbezagan эди.

* * *

Анас ибн Назрнинг опаси Рубайийъ бинти Назрнинг Ҳорис исмли ўғли бор эди. Расули акрам Бадр жангидан сал олдинроқ уни кўриб:

- Эй Ҳорис, қандай тонг оттирдинг? – дедилар.
- Аллоҳни ҳақ деб иймон келтирган ҳолда тонг оттирдим, – деди у.

Набий алайҳиссалом:

- Эй Ҳорис, айтиётган гапингга қара, албатта, ҳар бир сўзингга жавобгарсан, – дедилар.
- Ё Расууллоҳ, дунёдан зериқдим, кечаси тунги намоз билан бедор бўлдим, кундузи рўзадор бўлдим... Дўзахда ёнаётган ва аланга тафтидан қичқириб ёрдам сўраётган дўзах аҳлини кўриб тургандекман.

Шундай деб изидан: “Менинг ҳаққимга дуо қилинг, ё Расууллоҳ”, деди. Набий алайҳиссалом унинг ҳаққига дуо қилдилар.

* * *

Расууллоҳ алайҳиссалом билан мана шу ёш йигит ўртасида бўлган сухбатга кўп ўтмай Бадр жангига бошланиб қолди...

Жангга чорлов бўлганда Ҳорис ҳам биринчилар қаторида отланди. У жангда биринчи бўлиб шаҳодат топганида кекса онаси эшитиб қаттиқ қайғуга ботди...

У Расули акрамнинг олдиларига келиб: “Агар ўғлим Ҳорис жаннатда бўлса, ундан жудо бўлганимга йиғламайман ва айрилганимга хафа бўлмайман...” деди. Расули акрам унга: “Эй Умму Ҳорис, жаннат битта жаннат эмас. Бир қанча жаннатлар бор. Албатта, Ҳорис Фирдавсда”, дедилар.

* * *

Нажжорлик саййида сабр аччиғини тотиб, кўнглига қил сиғмай турган бир вақтда Ясриб аҳлидан бир жамоатнинг жорияси жаҳлини чиқарди. Нажжорлик саййида аччиғидан жаҳл устида жориянинг олд тишларини синдириб қўйди. Сўнг қилган ишига қаттиқ пушаймон бўлди. Жориянинг оила аҳлига укаси Анас ибн Назр бу иши учун фидя олишларини таклиф этди. Аммо улар олишдан бош тортдилар.

Қавмнинг улуғлари олдига бориб кечирим сўраганларида рози бўлмай қайтариб юборишиди.

6

Бу жория иши тўғрисида Набий алайҳиссаломга шикоят қиласиз, деб қаттиқ туриб олдилар. У зотга шикоят қилиб боришганда Аллоҳнинг ҳукмини бажариш ва мусулмонлар ўртасида тенглик қарор топиши учун қасос олишга ҳукм чиқардилар.

Бироқ орадан кўп ўтмай Расууллоҳ алайҳиссалом сўзида қаттиқ туриб олган жория аҳлига қарасалар, улар юмшаб қолишибди. “Ё Расууллоҳ... Уни афв этдик, ё Расууллоҳ. Биз уни кечирдик...” дедилар олдинги қатъиятидан воз кечиб.

Расууллоҳ алайҳиссалом Анас ибн Назрга: “Аллоҳнинг бандалари орасида шундай кишилар борки, агар Аллоҳга қасам ичса, албатта уни бајаради”, дедилар.

* * *

Анас ибн Назр ҳақида нозил бўлган оятнинг қиссаси бундай: бунга унинг Бадрга бора олмагани ва Расууллоҳ алайҳиссалом билан жангга чиқа олмагани сабаб бўлди. Мана шу уни ташвишга қўйиб, ғамга ботирди. У ўз нафсини маломат қилиб деди: “Зухр (захира) ва ажрда Бадрга ўҳшаган куни Расууллоҳ, билан чиқишгача умр сенга вафо қилишига кафолатинг борми?!! Аллоҳга қасам, Раббим мени мушриклар билан тўқнаш келадиган кунга етказса, нима қилишимни кўрсатиб қўяман”.

Анас ризвонуллоҳи алайҳ шундан бошқа ҳеч нарса демади. Агар мана шундан қўрқмаса, жим бўларди.

* * *

Анас ибн Назр ўзига ўзи аҳд берганидан озроқ ўтиб-ўтмай Уҳуд жангига бўлди. Уҳуд мусулмонлар учун жуда оғир жанглардан бири бўлди. Бу жанг туфайли ҳақиқий мўминлар синовдан ўтиб, қалблари покланди. Бу жангда Расууллоҳ алайҳиссалом оғир ахволга тушиб,

жароҳат олдилар. У зотга тошлар отилди, чуқурга йиқилиб тушиб, юзлари қонади, лаблари тилинди ва муборак қонлари тўкилди.

* * *

Шундай таҳликали бир вақтда Анас ибн Назр Аллоҳ азза ва жаллага берган ваъдасига қулай фурсатни кўриб, жанг майдонига қараб Расулуллоҳнинг бир ўzlари ёлғизланиб қолганларига кўзи тушди. Мушриклар у зотни ўлдирмоқчи – Аллоҳнинг нурини ўчирмоқчи бўлишаётганини кўриб, бундай деди: “Эй Аллоҳим, мен Сендан жанг майдонидан мана булар (яъни қочаётган мусулмонлар) қилган ишимизни деб узр сўрайман. Анаビルар (яъни ҳужум қилаётган мушриклар)нинг қилмоқчи бўлаётган ишидан покман”. У ҳазрат Умар яқинида турганига кўзи тушиб, жуда ташвишли ва безовта ҳолатда: “Эй Умар, Расулуллоҳга нима бўлди?” деб сўради. Ҳазрат Умар: “У зотни қатл этилган деб ўйламайман”, деди. Анас: “Муҳаммад ўлган бўлса, Аллоҳ ўлмайдиган, доим тирик-ку”, деди. У қиличини суғуриб қинини синдириди ва ҳеч ўйлаб ўтирамай ўзини жанг ўртасига отди. У мушриклар ҳамласини тўсиб турган вақтда ўзига яқин жойда кўринган Саъд ибн Муозга қараб: “Жаннат, эй Саъд, жаннат... Аллоҳга қасам, менга унинг хиди Уҳуд тарафдан келяпти...” деди.

У бирон нарсага қарамай олға интилди. Саъд айтади: “Мен унга етиб олишга, изидан боришга ва унинг қилганидек қилишга ҳаракат қилдим... Бироқ мен унинг азму қароридаги ишни бажаришга қодир бўлмадим...”

* * *

Бироз ўтиб жанг тугади. Анас ибн Назр жанг майдонида жон таслим қилган эди. Унинг баданига саксондан ортиқ қилич зарби тегиб, найзалар санчилган ва ҳар тарафидан ўқларга нишон бўлган эди. Мушриклар уни ўлдириб, бу ҳам етмагандай мусла қилишибди. Жанг майдонида уни опаси Умму Ҳорисдан бошқа ҳеч ким танимади. Бу аёл ҳам ўз инисини фақат бутун қолган бармоқларидан таниди...

* * *

Аллоҳ таоло Анас ибн Назрни икром қилиб, у ҳақда Куръон оятини нозил қилди. Бу оятни мусулмонлар кечаю кундуз тиловат қиладилар:

“Мўминлар орасида ўzlари Аллоҳга берган (У Зотнинг йўлида жанг қилиб, шаҳодат топиш) аҳду паймонларига содик бўлган кишилар бордир. Бас, улардан (айрим) кишилар ўз аҳдига вафо қилди, (яъни шаҳид бўлди), улардан (айрим) кишилар эса (شاҳодат топишга) интизордир. Улар (мунофиқларга ўхшаб Аллоҳга берган аҳду паймонларини) ўзгартирганлари йўқ” (Аҳзоб сураси, 23-оят).

Манбалар асосида Бобомурод ЭРАЛИ тайёрлади.

Ҳайбат ва муҳаббат соҳиби

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳалқий сифатларидан бири у зотнинг жамоллариридир. У зотни учратган киши албатта яхши кўриб қолар эди. Ҳатто яҳудийларнинг роҳиблари у зотдан айб ахтариб, бирорта на ҳалқий ва на хулқий айбу нуқсон топа олишмаган.

Ҳассон ибн Собит розийаллоҳу анҳу Исломни қабул қилишидан олдин Қурайшнинг кофирлари унга Муҳаммад алайҳиссаломни ҳажв қилиб шеър айтишини сўрашади. Ҳассон розийаллоҳу анҳу айтадилар: “Мен Расулуллоҳга қараганимда, у зотнинг гўзал чеҳраларидан таралаётган нур кўзимни қамаштириб юборди. Шунда мен кўзим кўрмай қолишидан қўрқиб, икки қўлим билан кўзларимни тўсиб олган эдим”.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга гўзаллик билан бирга, улуғлик ва ҳайбат ҳам ато этилган эди. У зотни кўрган кишини, албатта, ҳайбатлари босар, ҳатто қўрқувга тушар эди. Бир аъробий у зотнинг ҳузурларига кирди ва турган жойида қотиб қолди. Ҳатто қалтирай бошлади. Шунда Расулуллоҳ: “Ўзингни қўлга ол, эй биродар. Мен талқон еб юрадиган қурайш аёлларидан бирининг ўғлиман”, деб уни юпатдилар.

Абу Абдурраҳмон
ЗУБАЙДИЙ

Индонезияда Исломни ёйган самарқандликлар

Индонезия – дунёда энг кўп мусулмон аҳоли истиқомат қилувчи мамлакат. Манбаларда Индонезияга Ислом араб тижоратчилари орқали кириб борган, деган маълумотлар кўп учрайди. Аслида, Индонезия аҳолиси-нинг Ислом билан шарафланишида самарқандлик мутасаввиф олимларнинг ҳам хизмати катта бўлган.

Бу минтақага Ислом динининг кириб келиши ҳамда тарқалишини араб ва форс мусулмон савдогарлари Ҳинд океанини сузиб ўтиб, Ҳиндистон, Шарқий Африка, Индонезия ва Хитой бозорларини эгаллай бошлиши билан боғлашади. Бу манбаларда ҳам ҳақиқат бор. Бироқ тадқиқотларга кўра, самарқандлик аждодларимиз ҳам бу ўлкаларда Ислом дининг тарқалишига катта ҳисса қўшган. Куйида шу ҳақда сўз боради.

XIV–XV асрларда Индонезия архипелагида Ислом дини ёйилишида самарқандлик олимлар муҳим ўрин туттган. Шундай олимлардан бири Малик Иброҳим Самарқандийдир. Манбаларда у Индонезия халқи орасида “Шайх Жумадил Кубро” ёки “Жамолиддин Акбар Ҳусайнин” номи билан танилган Мавлоно Ҳусайн Жумадил Кубронинг ўғли экани айтилади. Бу икки аллома Жанубишинарқий Осиё минтақасида Ислом дини тарқалишига катта ҳисса қўшган “Валий сонго” номи билан машҳур бўлган валийлар силсиласи асосчилариdir. Қолаверса, Иброҳим Самарқандий Индонезияда биринчи бўлиб Ислом таълимотини ўргатувчи диний мактаб ташкил этгани манбалардан маълум.

Тадқиқотчилар фикрича, Мавлоно Жумадил Кубро дастлаб икки ўғли Иброҳим ва Исҳоқ билан Явага келган. Кейинчалик Исломни тарғиб этиш мақсадида турли томонларга йўл олишган. Жумадил Кубро Ява оролида қолади, Иброҳим Самарқандийнинг баландиши Абӯ Сайднинг ўғли бўлгани ҳақиқатга яқин (Kattaev K., Kattaeva G., 2022:18). Чунки Шайх

дий Чампага, ҳозирги Вьетнам худудларига, Мавлоно Исҳоқ Суматра оролининг шимолий минтақаси Пасайга боради. Уларнинг кейинги ҳаётлари ҳақидаги маълумотлар турлича бўлиб, баъзиларида Иброҳим Самарқандийнинг табобат ва тижорат билан шуғуллангани, аҳолига деҳқончилик маданиятини ўргатгани, Чампа ҳукмдорининг қизига уйланиб, икки фарзанд кўргани, сўнгра фарзандлари билан Явага қайтгани айтилади.

Тарихий манбаларда Иброҳим Самарқандий XIV асрнинг биринчи ярмида ёки милодий 1356 йили Самарқандда туғилгани ҳақида тахминлар бор. 1419 йил Индонезиянинг Шарқий Ява худуди – Гресикда вафот этган ва Гапура Ветан қишлоғида дағн этилган (*Agus Sunyoto, 2011:54*). Мақбарами маҳаллий аҳоли учун табаррук зиёратгоҳдир.

Нажмиддин Умар Насафиининг “Ал-Қанд фи зикри улами Самарқанд” асарида Ўзбекистон тарихида самарқандлик алломалардан фақат Бурҳониддин Соғаржий Ислом дини ва тасаввуф таълимотининг тарғиботчиси сифатида X–XIV асрлар оралиғида Жанубий ва Шарқий Осиё минтақаларига сафар қилгани қайд этилган (*Nasafi, 1994:112*).

Яна бир тарихий манба “Холосатул маноқиб” асарида Бурҳониддин Соғаржийнинг милодий 1200–1300 йилларда яшагани қайд этилади. Бурҳониддин Соғаржийнинг мақбарами бугунги кунда Руҳбод мажмуаси деб номланади. Ушбу мақбарада унинг хотини – Хитой маликаси Биби Ҳанифа ҳамда ўн нафар фарзанди дағн этилган.

Индонезияда топилган тарихий манбалар ва тадқиқотларда тилга олинган Шайх Жумадил Кубро Шайх Бурҳониддин Соғаржийнинг тўнғич фарзанди Шайхзода Абу Сайднинг ўғли бўлгани ҳақиқатга яқин (Kattaev K., Kattaeva G., 2022:18). Чунки Шайх



Абу Саиднинг онаси Хитой тарафдаги давлат ҳукмдорининг қизи бўлгани учун шу юртда меросхўр ҳисобланган. Шу сабабли ўғлига шаҳзода ёки ҳукмдор маъносини англатувчи “Малик” нисбасини бериб, “Малик Иброҳим” деб атаган бўлиши мумкин. Шайх Бурҳониддин Соғаржийнинг Ҳиндистон ва Хитой минтақаларига сафар қилиб, Ислом дини ва тасаввуфни тарқатгани ҳамда ўша ерда бир подшоҳнинг қизига уйлангани тўғрисида Нажмиддин Умар Насафийнинг “Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд” ва Абу Тоҳирхожа ибн Абу Саид Самарқандийнинг “Самария” асарларида қайд этилган (*Abu Tokhirhoja, 1991:303*).

К. Каттаев ўз асарида дастлаб Соғаржий, сўнгра ўғиллари, XIV асрда эса унинг кейинги авлодлари, хусусан, Малик Иброҳим ҳам Жануби-шарқий Осиёга сафар қилиб, боболари бошлаган тарғибот ишларини давом эттириб, Ислом динини янада кенгроқ ва узокроқ ўлкаларга ёйишганини айтади (*Kattaev K., Kattaeva G., 2022:18*).

Ўша пайтларда сухравардия Моваро-уннаҳрда энг иирик тариқат ҳисобланган. Тариқат асосчисининг ўғли Шайх Зайниддин Кўйи Орифоний Тошкентда фаолият олиб борган ва ўзининг машҳур шогирдларидан бири Шайх Нуриддин Басирни тариқат тарғиботи учун Самарқандга жўнатган. Ўз навбатида, Шайх Нуриддин Басир ҳам шогирди Бурҳониддин Соғаржийни Ҳиндистон ва Хитой мамлакатларига юборган. Шарқ мамлакатига келган Шайх Бурҳониддин гўзал одоб, яхши тарғиботлари туфайли ўша юрт ҳукмдори назарига тушади. Ҳукмдор ва унинг халқи Шайх Бурҳониддин

тарғиботлари туфайли Ислом динини қабул қилган. Сўнгра ҳукмдор ўз қизини Соғаржийга никоҳлаб беради. Уларнинг фарзандлари эса шу юртнинг валиаҳдига айланади (*Каттаев К., Каттаева Г., 2020:58*).

Бир неча асарларда Соғаржийнинг фаолияти зикр этилади. Жумладан, Сайид Али Ҳамадонийга бағишиланган маноқиб ва мақомот асарлар ҳамда “Машориб ал-азвоқ” каби китобларда Бурҳониддин Соғаржийнинг Сайид Ҳамадонийнинг устозларидан бири эканлиги, сафарлари тўғрисида ҳам қисқача сўз боради. Масалан, “Хуласат ал-маноқиб” асарида бундай ёзилган: “Соғарж – Самарқанд Сўғдининг манзилларидан биридир. Шайх Бурҳониддин Соғаржийга қадимий ҳукмдорлар таъзиму такрим бажо келтиришарди. Ул зот саккизинчи ҳижрий асрнинг шуҳратли инсонларидан ва ўз асрининг етук имомларидан эди. Соликларга “ижозати куллий” берар, одоб-ахлоқ тарқатар ва зикрларни ўргатар эди. Ҳинд подшоҳи Султон Муҳаммад ибн Фиёсиддин Туғлуқшоҳ қирқ минг қизил олтин динорни унинг хизматлари учун юборган”.

Ушбу тарихий маълумот Бурҳониддин Соғаржий Ҳиндистонга ҳам сафар қилганини кўрсатади. “Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд” китобида ҳам унинг Ҳиндистон, Хитой сафарига оид катта боблар ажратилган бўлиб, асосий воқеалар унинг шогирди машҳур сўфий Мир Сайид Али Ҳамадонийнинг сўзларидан олингани муҳим аҳамият касб этади.

Соғаржий Хитойда вафот этади ва васиетига кўра, ўғли Абу Саид отаси жасадини Самарқандга олиб келгани тўғрисидаги маълумотлар тарихий манбаларда учрайди.

Индонезияда Жумадил Кубродан бошлинувчи самарқандлик валийлар Бурҳониддин Соғаржий авлодлари бўлиб, улар ҳам ота-боболари каби Ислом динини тарғиб қилиш мақсадида Жануби-шарқий Осиёга сафар қилишган. Чунки тарихий манбаларда фақат ушбу оила вакилларининг Жануби-шарқий Осиёга қилган сафарларини тасдиқловчи маълумотлар бор, холос.

**Феруз ХОЛМУМИНОВ,
Имом Мотуридий ҳалқаро
илемий-тадқиқот маркази ходими**

“МАХЗАНУЛ МУТЕЙИН”

– мұхим ақидавий манба

Ақидамиз соғлигига катта ҳисса қүшган буюк олимлардан бири, шубҳасиз, Сўфи Оллоёр ҳазратлариidир. У зот фақиҳ ва мутакаллим сифатида, Абу Ҳанифа раҳматуллохи алайхнинг таълимотини Мовароуннахр халқига етказишида катта хизмат қилган.



Ҳазрат Сўфи Оллоёр (1634–1724) ҳозирги Самарқанд вилоятининг Каттақўргон туманида “Минглар” қишлоғида Оллоҳқули (Темирёр) хонадонида дунёга келган. 1640–1646 йилларда Шайхлар қишлоғидаги масжид-мактабида ўқиган, 1646–1648 йилларда Бухоро мадрасасида, сўнгра 1648–1660 йиллар мобайнида Бухоронинг “Жўйбор шайхлари” мадрасасида таҳсил олган. Салоҳияти юксаклиги ва зукколиги боис у зот хоннинг мақтовига сазовор бўлган. 25 ёшида Бухоро амирлигига солик божхона маҳкамасининг тўралик лавозимига тайинланган. Бу лавозимда 4–5 йил ишлаш жараёнида халққа қилинаётган зулм ва бошқа жирканч ҳолатларни кўриб, тўралик лавозимидан воз кечади. Сўфи Оллоёр умри нинг охирги пайтларини Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Вахшивор

қишлоғида ўтказади ва ўша ерда дағн этилади.

Улуғ олимнинг “Махзанул мутеъин” (“Итоаткорлар ҳазинаси”) асари араб тилида наср услубида ёзилган. Ақидавий ва фикҳий масалалар атрофлича ёритилган асар ЎзРФАШИ фондида сақланади. Кўлёзма 1092 бетдан иборат бўлиб, бир бетда йигирма етти қатор ёзув бор. Шундан юз бетга якини калом илмига оид маълумотлар. Матн настальик хатида, қора сиёҳда битилган.

Қўлёзма дид билан қўчирилган, жуда яхши сақланган. Қўлёзманинг бирор жойида шорих ўзининг таржимаи ҳолини киритмаган. Китоб ёзилган сана, манзил ва ўша давр муҳитига доир маълумотлар учрамайди.

Қўлёзмада Имом Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собитнинг “Ал-фикҳул акбар”, Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоидун Насафий” ва Абу Ҳафс Насафийнинг “Табсиратул адилла”, Сироҗиддин Али ибн Усмон Ўшнийнинг “Бадъул амолий” каби ўттиздан ортиқ китоблардан фойдаланилган.

Асарда “Аллоҳ таолони таниш”, “Аллоҳ таолонинг сифатлари”, “Аллоҳ таолони қиёматда кўриш жоизлиги”, “Иймоннинг сифати”, “Фаришталарнинг сифати”, “Пайғамбарларнинг катта ва кичик гуноҳлардан поклиги”, “Муҳаммад соллалоҳу алайхи ва салламнинг нубувватларини исботи”, “Шафоатнинг исботи”, “Меърожнинг исботи”, “Арш ва Курсий”, “Саҳобаларнинг фазилатлари”, “Авлиёларнинг кароматлари” каби мавзулар атрофлича ёритилган.

Мусанниф “Куфр лафзлари ҳақида” деб номланган бобда турли адашган тоифаларнинг ботил қараш ва иддаоларига қарши раддияларни баён этган. Жумладан, мўтазила, шиа, карромия, жаҳмия, қадария, рофизия, жабария каби тоифаларнинг ақидавий қарашларига алоҳида раддиялар берилган.

Хуллас, “Махзанул мутеъин” асарини таҳқиқ ва нашр этиш мазҳабсизлик хатарлари урчиётган, соғ ақидавий таълимотларимизни менсимаётган тоифалар кўпайган бугунги кунда мұхим аҳамият касб этади.

Шайхулмуҳаммад СЕТИРЗАЕВ,
ЎзХИА 2-курс магистранти

Яқинда француз адиби Марсель Брионнинг “Менким, соҳибқирон – Жаҳонгир Темур” романини қайта ўқиб чиқдим. Ҳар ўқиганимда бобо-калонимиз Соҳибқиронни янада яқинроқ танигандек бўламан, унинг асл қиёфасини ёрқинроқ тасаввур қиласман. Романда Жаҳонгирнинг Ислом динининг ташвиқотчиси сифатидаги фаолиятига кенг ўрин берилгани асарнинг таъсирчанлигини янада оширган.

Амир Темурнинг иқрори

Романда тасвирланишича, Амир Темур Башаруй шаҳрига боради. Унга: “Бу шаҳарнинг барча фуқаролари олим”, деб маълумот берадилар, Соҳибқирон буни текшириб кўрмоқчи бўлади. Бир дўконга кириб, аёл кишининг харид қилаётганини кузатади. Сотувчи тарозига қўл узатишдан олдин “Вайлу-л-лилмутоффифийн” – “(Савдоситикда ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолигавой!” оятини ўқииди (*Мутоффифун сураси, 1-оят*).


Бу ҳолдан ҳайратланган Амир Темур сотувчидан ушбу оятнинг маъносини сўрайди. Сотувчи: “Ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлғай”, дейди. Соҳибқирон дўкон сотувчини синаш учун яна бир калимани ўқиб, мазмунини сўрайди.

“Ал-лазийна изакталув ала-н-наси яставфун” – “Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган” (*Мутоффифун сураси, 2-оят*).

Сотувчи эса: “Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир”, дейди.

Сотувчи Қуръон ояtlари мазмунини шундай изоҳлаб тушунтирадики, охири Амир Темур унга тан беради: “Эй меҳрибон одам, агар болалигимда менга Қуръонни ўргатган муаллим ояtlар мазмунини сен каби тушунтириб берганида эди!..” – дея уни мақтайди.

Амир Темур яна шу шаҳардаги Ҳасан ибн Исҳоқ деган кишининг уйига меҳмон-



га чақирилади. Шунда аzon овози эшитилиб, уй эгаси масжидга бориб намоз ўқиб келишга изн сўрайди. Амир Темур ҳам у билан масжидга бормоқчи бўлиб, бирга кўчага чиқади.

Шунда Соҳибқирон дўкондорларнинг коржомаларини ечиб, янги уст-бош кийиб, масжидга отланганларини, дўконлар эшиклари очиқ қолдирилаётганини кўриб ҳайрати яна бир карра ошади.

Бир дўкондордан кийимларини нега алмаштираётгандарини сўрайди. У эса бир оят ўқииди: «**Аллоҳ айтди: “Эй Одам болалари, ҳар бир сажда чоғида зийнатланингиз** (яъни тоза либосда бўлингизлар)”» (*Аъроф сураси, 31-оят*).

Шу оятга кўра, масжидга боришдан олдин пок кийимларимизни киямиз, ахир намозда Аллоҳ билан юзма-юз бўламизку!” дейди мезbon. Шунда Соҳибқирон: “Бу шаҳарда ҳамма ҳофиз экан”, дея таҳсин айтади.

Дилором КАРИМОВА тайёрлади.



Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб деди:

– Эй Аллоҳнинг расули! Мен бир гуноҳ иш қилиб қўйдим, – деди ва қилмишини айтди. – Мен ҳақимда ҳукм қилинг!.. – деди.

Шунда Умар розийаллоҳу анхудеди:

– Аллоҳ сени яширган... Сен ҳам яширсанг, яхши бўларди!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга хеч нарса демадилар. Намоз ўқилди. Намоздан сўнг у зот алайҳиссалом ҳалиги кишини чақириб сўрадилар:

– Биз билан бирга намозда ҳозир бўлдингми?

– Ҳа!

– Аллоҳ таоло сени мағфират қилди ва оят нозил қилди: “Кундузнинг икки тарафида ва кечанинг бир бўлагида намозни тўқис адо эт! Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказади” (Худ сураси, 114-оят).

У киши сўради:

– Эй Аллоҳнинг расули! Бу фақатгина мен учун хосми?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

– Йўқ! Умматимнинг барчасига тегишилидир!

Бу ҳадисдан каттами-кичикими – ҳар қандай гуноҳни енгил санамаслик, бирор хато қилганда, дарҳол чин дилдан, ихлос билан тавба қилиб, уни қайта қилмаслик тушунилади. Чин дилдан тавба қилувчилар учун Аллоҳнинг эшиги ҳамиша очик. Аллоҳнинг

Биз билан намозда ҳозир бўлдингми?

фазли ва карами билан яхши амал ёмон амални йўқ қилади.

Иbn Аббос розийаллоҳу анхумонинг ҳузурига бир киши келиб сўради:

– Қотилнинг тавбаси қабул бўладими?

Иbn Аббос деди:

– Ҳа!

Сўнгра, ўша мажлисда бошқа бир киши келиб сўради:

– Қотилнинг тавбаси қабул бўладими?

Иbn Аббос деди:

– Йўқ!

Иbn Аббос розийаллоҳу анхумодан нега икки кишига икки хил жавоб бергани ҳақида сўрашди. Иbn Аббос деди:

– Биринчи келган кишида пушаймонлик ва синиқликни қўрдим. Билдимки, у бирорни ўлдириб қўйган. Унга “Тавба қилсанг бўлади”, дедим. Иккинчи келган кишида ғазаб ва ёмонлик қўрдим. Билдимки, у бирорни ўлдирмоқчи. Шунинг учун унга: “Тавба қилиб бўлмайди”, дедим.

Умар розийаллоҳу анхунинг: “Аллоҳ сени яширган эди. Сен ҳам яширсанг, яхши бўларди!” деган сўзларига жиддий эътибор қаратиш керак.

Бу динда фолбинлик, роҳиблик ва аррофлик йўқ. Гуноҳингизни Аллоҳ билан ўзингиз ўртангизда қолдиринг. Аллоҳ сизнинг устингизга сатрини ташлаган экан, ўзингизни шарманда қилманг! Кишилар шарманда қилади, маъзур тутмайди. Аллоҳ эса маъзур тутади, шарманда қилмайди, сатр этади!

Гуноҳ қанчалар катта бўлмасин, Аллоҳнинг раҳмати ундан-да каттароқдир. Бани Исроилдан зино қилган бандасини бир итга сув бергани учун мағфират қилган Зот ундан кичикроқ гуноҳ қилганларга янада меҳрибонроқдир!

Тенглама осон: “Агар гуноҳдан қутула олмаётган бўлсангиз, тоатлар билан унга қарши курашинг!”

Абдулқодир ПОЛВОНОВ

Умр – бебаҳо неъмат. Бироқ у – ўткинчи. Гоҳида турмуш ташвишлари билан унинг қандай ўтганини сезмай қоламиз. Вақт ўтиб юзга ажин, сочга оқ тушганда охират диёри яқинлашиб қолганини англаймиз.

«Уларга “Уфф” дема...»

Ривоятларда келишича, Нух алайхиссалом 950 йил умр кўрган. Унинг қазоси етиб, Азроил алайхиссалом жонини олгани келганида, ундан: “Эй Аллоҳнинг Расули! Бу дунё ҳаёти ҳақида нима дейсиз?” дея сўрабди. Нух алайхиссалом: “Бу дунё худди икки эшиги бор уйга ўхшайди – биридан кирасан ва иккинчисидан чиқиб кетасан”, деб жавоб берган.

Қуръони каримда: “Уларни жамлайдиган кунда (қиёматда ўзларини бу дунёда) гўё кундуз куннинг бир соатича тургандек сезишиб, бир-бирларини таний бошлайдилар”, дейилган (*Юнус сураси, 45-оят*).

Негадир киши умри ўтиб, ҳаётий тажрибаси ошгани сайин босилиб, яхшилик қилишга интилиб қолади. Бунинг сабаби эса ўзидан эзгу ном қолдириш, жаннат умиди бўлса, не ажаб.

Ёши улуғлар билан сухбатлашсангиз, дилингиз яйрайди. Ўзингиз учун кўплаб ҳаётий сабоқлар оласиз. Албатта, улар хонадонларимиз файзи, бебаҳо хазинамиз, насиҳатлари эса ҳаётимиз маёғи кабидир.

Лекин айрим ёшлар ота-онасининг ёки бобо-бувиларининг насиҳатларини тўғри тушунмай: “Кўп гапиради-да, ёш бола эмасман-ку” дея иддао қилишади. Гўё осмондан тушиб, ўзларича катта бўлиб қолгандек.

Яқинда ота-онасидан алоҳида яшайдиган бир қўшни йигитнинг отасига қилган муомаласидан ёқа ушладим.

Ота уйига келиб, тайинли ҳол-аҳвол сўрашмай:

– “Дада, қарзингизни қачон берасиз? Пенсияни ҳам олгандирсиз?! Ойнинг ўн беш куни ҳам ўтди-ку”, дея отасига пўписа қилди.

Ота ҳам минг хижолатда: “Ҳали беришмади, пенсия келса, бераман”, деди ўғлига ёлвориб.

Наҳотки, киши ўз отасига қарз берса. Ота-она кексайганда ғамхўрлик қилиш, уларга қараш қадим қадриятларимиздан саналади-ку.

Қуръони каримда: «Раббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишингни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, уларга “Уфф” дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт! Икковларига меҳрибонлик илиа хокисорлик қанотингни пастлат ва: “Раббим, улар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин”, деб айт» дейилган (23-24-оятлар).

Аллоҳ таоло Ўзигагина ибодат қилишга амр этганидан сўнг, ота-онага яхшилик қилишни буюрмоқда. Бу Аллоҳнинг назидида ота-оналаримизнинг даражалари нақадар улуғ эканидан далолат. Шундай экан, борида уларнинг қадрига етиб, ғамхўрлик қилишга улгuriб қолайлик. Улар бу дунёни тарк этганидан сўнг афсусланган билан фойда йўқ. Улар ҳаёт бўлсалар, дуоларини олиб, жаннатдаги жойимизни ҳозирлайлик. “Ҳали ота-онам ёш, бу шим битсин, унибуни қилиб бераман” деб ўйламанг.

Бош қомусимизда ҳам белгилаб қўйилган: “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” (66-модда).

Ота-боболаримиз достонларда “Дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема” дея ҳикматомуз сўзларни бекорга айтмаганлар. Чунки ҳаёт – ўткинчи, келажакни эса Аллоҳ билгувчи. Шундай экан, ота-онага яхшилик қилишни ортга сурманг. Вақтнинг ўткир қиличи кесиб қўймасин...

Ҳасанбой КЕНЖАЕВ,
Урганч шаҳар бош имом-хатиби

Бузғунчи ғоялар – келажагимизга таҳдид

Сиёсий кучлар ҳомийлик қилаётган бузғунчи оқимлар хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимиз ва ҳали эс-хушини яхши танимаган ёшларни ҳамон ўз таъсир доирасига тортмоқда. Улар бу йўлда интернет орқали диний экстремистик мазмундаги материалларни кенг ёйиб, яширин “хужралар” ташкил этмоқда.

Уларнинг асл мақсади мусулмонлар учун ўта нозик тушунчалар – “Ислом ва куфр”, “ҳижрат”, “жиҳод”, “шаҳидлик” каби атамаларни бузиб талқин қилиш, ёшларимизни оиласи ва жамиятдан ажратиб олиш ҳамда уларни манқурт-жангари ёки “тирик бомба”га айлантиришдан иборат.

Афсуски, уларнинг “қармоғ”ига тушиб қолганлар бу оқимларнинг ҳаракатини тўғри деб ўйлаб, одам ўлдириш каби турли разилликларни содир этмоқда. Бу жиноятини улар “жиҳод”, уни қилаётган жоҳилларни эса “муҳоҳид” деб аташади.

Бундай террорчи ташкилотларнинг мақсадларидан яна бири ўз сафига қўшилган ёшлар онгини заҳарлаб, уларнинг Ватан, оила каби муқаддас туйғуларини сўндириб, ўз юртига, ўз ватандошларига қарши қўпорувчилик ишлари олиб боришга йўналтиришдир. Шундай экан, бузғунчи оқимларнинг бундай уринишларга “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2022 йил 20 декабрь куни муҳтарам Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон ҳалқига Мурожаатномасида: “Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Аллоҳ таоло деди: “Уч (киши) борки, қиёмат куни мен уларга хусуматчиман: Менинг номим билан (аҳд) бериб, кейин хиёнат қилган киши; ҳур одамни сотиб, пулининеган киши; ишчи ёллаб, ундан (ишини) тўла талаб қилиб олиб, ҳақини бермаган киши”»** (Имом Муслим ривояти).

чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми? Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашгага, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафақат масъ-

ул ташкилотлар, балки барчамиз бергалиқда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур”, дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, ёшларни бундай ёвуз куч ва ғоялардан ҳимоя қилишда Ислом маърифати ва одоб-ахлоқ тамойилларининг ўрни беқиёс. Шу боис кейинги йилларда юртимизда диний-маърифий таълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ислом дини таълимотларини илмий асосда ўрганиш мақсадида Ислом цивилизацияси маркази, халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди.

Мазкур илмий-тадқиқот марказлари буюк аждодларимизнинг кўплаб асарларини она тилимизга таржима қилиб, халқимизга тақдим этди. Натижада бугун халқимиз динимиз моҳиятини тўғри тушуниб, ҳақиқий Ислом нимаю дин ниқобидаги ёт ғоялар нима эканини яққол ажратмоқда.

Бироқ, шундай бўлса-да, бир дам ҳушёрликни қўлдан бериб бўлмайди. Чунки бузғунчи манфур оқимлар ўз мақсадига етиш йўлида ҳар дам пайт пойлаб, фитна чиқариш илинжидалар. Шу боис ёш авлодни турли ёт оқимлар таъсирiga тушиб қолишининг олдини олиш нафақат ҳукуматимиз ёки таълим муассасаларининг вазифаси, балки ҳар бир ота-онанинг ҳам муқаддас бурчидир.

Умиджон ХОДЖАЕВ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
проректори

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى أَشْرَفِ الْخَلْقِ سَيِّدِنَا
وَحَبِّيْنَا مُحَمَّدٌ عَلَيْهِ الصَّلَوةُ وَالسَّلَامُ

Буюк сир

Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга доимий салавот айтиш натижасида инсон қалбида лаззат ва сокинликни ҳис этади. Зеро, салавот нур ва барака манбаидир. Қачон салавот айтсангиз, қалбингизга нур инади ва бу нур танангиздаги ҳар бир ҳужайрага кириб боради. Натижада бутун танангиз нуронийга айланади.

Салавот туфайли инган нурни етмиш минг фаришта қўриқлаб туради. Фаришталар Аллоҳнинг аскарлари бўлиб, улар салавот айтувчини инсу жинларнинг ёмонликларидан муҳофаза қиласидилар.

Шуни унутмайликки, кўп салавот айтиш бу – Пайғамбаримиз алайҳиссаломни қалбан улуғлаш демак. Шундай экан, қалбингизда ҳеч бир дунё иши у зотни улуғлашдан устун бўлмасин.

Кўп салавот айтиш туфайли сизда ибодат ва зикрларга иштиёқ ортади. Салавот инсондаги кўплаб касалликларга шифодир. Албатта, Аллоҳ таоло ирода қилган бўлса, салавот шифога сабаб бўлади. Мўминга етадиган турли бало ва оғатлар икки хил бўлади. Бири, бандани гуноҳ ва маъсиятлар чиркинидан поклаш учун, иккинчиси, унинг даражасини кўтариш учун бўлади. Мўмин банда Аллоҳ таолога яқинлашган сари унинг бошига келадиган бало ва оғатлар ҳам ортиб бораверади...

Ассалому алайкум ва
раҳматуллоҳи ва
баракотуҳ.

СҮРАГАН

ЭДИНГИЗ...



САВОЛ: *Маҳалламизда “Ғойиб ота” деган жой, у ерда қабр бор. Айтишиларича, бу ерга шу исмли одам кўмилмаган, фақат бир киши шу ерда юрганида, у ғойиб бўлиб қолган экан. Шундан рамзий қабр қилинган. Ҳозир мақбарага одамлар келиб зиёрат қилишади. Шундай қилиш жоизми? Аслида бу ерда ҳеч кимнинг қабри йўқ-ку?*

ЖАВОБ: Динимизда қабрларни ибрат ва тарбия мақсадида ҳамда марҳумларнинг ҳаққига дуо қилиш учун зиёрат қилишга тарғиб қилинади.

Асли номаълум бўлган ёки ҳеч қандай илмий ёки тарихий асоси бўлмаган, баъзи кишилар томонидан ўз манфатларини кўзлаб, турли номлар билан атаб олган жойлар зиёрат қилинмайди.

САВОЛ: *Уйимизда Қуръони каримнинг қорақалпоқ тилидаги таржими-си бор. Шу китобни ўқиб хатм қилсан бўладими?*

ЖАВОБ: Албатта, Қуръон – Аллоҳнинг Каломи. Уни ўқиган киши учун ҳар бир ҳарфга савоб берилади. Сиз айтган ҳолатда тиловатнинг эмас, балки таржимасини ўқиганлик савобини оласиз.

Қуръон араб тилида ўқиб чиқилганида хатм қилинган ҳисобланади,

таржима ё тафсирини ўқиб чиқиш, гарчи буюк ажру савобларга эга амал бўлса-да, хатми Қуръон саналмайди. Чунки Қуръоннинг маъноси ҳам, лафзи ҳам Аллоҳ таолодан. У бошқа тилга ўгирилганда, маъноси ифода топса ҳам, лафзи ўзгаради.

Хатми Қуръон суннат амалdir. Қуръони каримни умуман ўқимаслик, уни беэътибор ташлаб қўйиш – катта гуноҳ.

САВОЛ: *Биз кўп қаватли уйда яшаймиз. Тирноқларимизни олиб полнинг тешигига ташлаб юборамиз. Шу ишимиз тўғрими?*

ЖАВОБ: Инсон тана аъзолари танада бирикиб турганида қанчалик ҳурматга эга бўлса, танадан ажраганидан кейин ҳам худди шундай ҳурматга молик бўлади. Шундай экан, соч, тирноқ каби аъзоларни кўмиб қўйиш керак. Одам аъзоларини сотиш, ёқиш жоиз эмас, жумладан, сочни ҳам.

САВОЛ: *Яқинда кўзимдан операция бўйдим. Устига-устак, бел чурраси ҳам безовта қиласди. Сажда қилганимда кўзимга босим тушиб, белим оғрияпти. Бундай ҳолатда қай тартибда намоз ўқийман?*

ЖАВОБ: Бемор бироз вақт тик туришга құввати етса, күчи етгұнича туриб намоз үқишини бошлайды ва намоз асносида толиқиб қолса, ўтириб давом әттиради. Киши руку ва сажда қилолмаса, ўтириб руку ва саждани боши билан имо-ишора қилиб намоз үқийди. Бу ҳолда бошини рукуға әггандан күра күпроқ сажда учун әгади. Акс ҳолда намози дуруст бўлмайди. У сажда қилиши учун бирор нарса баланд қилиб қўйилмайди. Руку ва саждани боши билан имо қилиб намоз үқишига қодир бўлмаган bemor руку ва саждани кўзи, қоши ёки қалби билан имо қилиб намоз үқимайди.

САВОЛ: *Кўзмунчоқ тақиб юриш жоизми?*

ЖАВОБ: Агар киши “кўзмунчоқ боламни балолардан асрайди”, деб тақадиган бўлса (Аллоҳ асрасин), ширк бўлиб қолади. Зийнат ёки безак учун тақса, жониз. Лекин юқоридагидек эътиқод пайдо бўлиб қолмаслиги учун тақмаган афзал.

САВОЛ: *Касал одамга эҳсон пули берса, у ўша пулларни озиқ-овқатига ёки кийим-кечагига ишлатса бўладими? Эҳсон қилган одамнинг эҳсони қабул бўладими?*

ЖАВОБ: Эҳсон пуллари эҳсонни олган одамнинг мулкига айланади ва уни ўзи хоҳлагандай тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Шундай экан, эҳсон берувчи ҳам: “Фақат дори-дармонга ишлатасиз” деб шарт қўймаслиги, эҳсон олувчи ҳам инсоф билан зарурий эҳтиёжига ишлатиши керак.

Эҳсоннинг қабул бўлиши ихлос, муҳаббат ва айни ҳақдорга (яъни ўз ўрнига) қилинишига боғлиқ.

САВОЛ: *Имом жаноза үқигани учун ҳақ олса бўладими?*

ЖАВОБ: Бўлади. Жаноза намози фарзи кифоя, яъни муайян кишилар бажарса, бошқалардан гуноҳ соқит бўладиган амал, жаноза үқиш имомнинг вазифасидир. Мутааххир (ке-йинги) уламолар имомлик учун ҳақ олиш жоизлигига иттироқ қилишган. Жаноза учун ҳақ бериш имомлик учун ҳақ бериш жумласидандир.

САВОЛ: *Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам форс тилида сўзлағанимилар?*

ЖАВОБ: Пайғамбаримиз алайҳисаломнинг очиқдан-очиқ форс тилида сўзлашганлари ривоят қилинмаган. Лекин мутахассислар ҳадисларни ўрганиб чиқиб, аслида форсча бўлиб, қадимдан араб тилига кириб қолган сўзларни ишлатганларини айтишади.

Баъзи олимлар бундай сўзларни 11 та дейишган. Масалан, “истаброқ” (дағал ипак), “кисро” (асли Хусрав, форс подшошининг исми), “ках-ках” (“ких-ких” – ёш болани нопок нарсадан қайтариш), “дубож” (ипак аралашган мато), “сур” (таом номи), “Фистот” (қадимги Миср), “қаҳрамон”, “Асбаз” (форс қўмондони), “сукурруж” (сиркага ўхшаш нарса) ва “сивар” (била-кузук) каби сўзлар.

САВОЛ: *Киши бомдод намозини охирги вақтларига уйғониб қолса, таҳорат қилса, намозга улгурмаса, таяммум қилиб намозни адo етса бўладими?*


ЖАВОБ: Беш вақт намоз ва жума намози, жумладан, бомдод намозининг вақти кам қолгани сабабли таҳоратнинг ўрнига таяммум қилиш жоиз эмас.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази
(78) 150-33-44.

Араблар ва туркийлараро ИЛК МАДАНИЙ КҮПРИК

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғати турк” асари араблар ва туркийлар ўртасида маданий мuloқotнинг биринчи ва энг муҳим кўпригидир. Асар саккиз бобга, ҳар бир боб икки: от ва феъл қисмга бўлинган. Муаллиф туркий қабилалар, улар яшаётган жойлар хусусида ўзи тузган харитани илова қиласи ва: “Румдан Мочингача бўлган шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини Ер шаклидаги доирада кўрсатдим”, деб ёзади.

Маҳмуд Кошғарийнинг XI асрда тузилган харитаси ўз даври учун мукаммал, ҳозирги давр учун географик маълумотлар берувчи муҳим манбадир. Шартли қабул қилинган бўёқ-ранглар мазмуни доира ташқарисида тўрт жойда сўз билан



изоҳланган. Бу китоб туркий дунё учун илк ҳарита тақдим этган биринчи жўпрофий асар ҳисобланади.

“Девони луғати турк” туркий тиллар ва лаҗжаларни, туркий қабилалар ва уларнинг тарихи ҳамда урф-одатларини ўрганиш мақсад қилинган араб тилидаги илк қомусий асардир. Туркий лаҗжалар ва уларнинг араб тилидаги синонимлари ўртасидаги барча тафовутларни кўриб чиқиш нуқтаи назаридан ҳам “Девони луғати турк” асари бугунги кунгача ягодадир. Чунки Кошғарий ушбу асарида барча лаҗжа ва шеваларни (7500 га яқин лингвистик материал) пухта ўзлаштирган ҳамда қиёсий тилшунослик пайдо бўлишидан бир неча юз йил олдин биринчи бўлиб тиллар ўртасида қиёсий ёндашувни қўллаган. Шу нуқтаи назардан бу асарни тил бўйича қиёсий таҳлил фанининг асоси дейиш мумкин.

“Девони луғати турк” турк қабилаларининг ўша даврдаги ижтимоий ҳаётини, ўзларига хос хусусиятларини, тарихини ёритиб берувчи бебаҳо асардир¹.

Турк қабилалари мусулмон бўлгач, улар билан Ислом маданияти ўртасида муносабатлар бошланди. Араб тили диёрларимизга Ислом маданиятини олиб келди. Туркий халқлар араб тилини ўрганиш зарурлигини ҳис қила бошлишди. Мусулмон бўлган халқлар билан мuloқot қилиш учун арабларда ҳам туркий тилни билиш иштиёқи ортди. Бу жараён ҳақида Маҳмуд Кошғарий бундай деган: “Туркийларга нијатингни тушунтира олишинг ва уни ўзига жалб қила олишинг учун унинг тилини билишдан ва бу тилда сўзлай олишдан бошқа чора йўқ”.

Демак, Кошғарийнинг асосий мақсади арабларга туркий тилни ўргатиш

бўлган. Зеро, катта ҳудудда яшаётган туркий халқларда Ислом дини ва унинг арконларини мукаммал тушунтириш учун ҳам тил ўрганиш зарурати жуда юқори эди. Шу боисдан ҳам Кошғарий 15 йилга яқин Юқори Чиндан бошлаб бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухоро, ҳозирги Шимолий Афғонистонга қадар чўзилган туркий ўлкаларни, туркмандар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кезиб чиқди, турли шева ва лаҳжа хусусиятларини ўрганди, уларни адабий тил билан чоғиштириди, ниҳоятда бой материал тўплади.

Луғат тузишда араб тилшунослари асос соглан анъанадан унумли фойдаланган ҳолда ишга ижодий ёндаши, туркий тил қонуниятларини биринчи навбатда инобатга олиб китобига тартиб беради², узоқ илмий изланиш ва сафарлардан сўнг асарини ёзади. Кўп йиллар давомида бошқа туркий шевалардаги сўзларни териб, уларга мос келадиганларини ёзиб, сўнг уларни араб тилига таржима қилиб, у ёки бу сўзга баъзи қўшимчалар киритиш сабабларини келтириб ўтди ҳамда грамматикасини тушунтириб берди. Мана шу жаҳатдан бу асар фақатгина қомус эмас, балки туркий тил қоидаларининг ilk асоси, манбаси ҳамdir.

Луғатда юзлаб шахс исмлари, шаҳар ва қишлоқ, ўлка номлари, дарё, тоғ, яйлов, водий, дара, йўл, довон, кўл, сой каби жўкрофий атамалар, турли қабила, уруғ, элат, сайёра, юлдузлар, фасллар тилга олинади. Унда изоҳланган грамматик кўрсаткичлар морфемалар ҳисоби ҳам мингга яқин.

Туркий халқлар тарихига оид қадимий афсона ва ривоятлар, 300 га яқин мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, 700 сатрдан зиёд шеърий парчалар ушбу асар саҳифаларидан ўрин олган. Шеърий парчаларнинг кўпи туркий халқлар оғзаки ижодига хос тўртликлардир. Аммо “Девон”да келтирилган шеърият намуналаридан 150 сатрга яқини Ислом даври назмига хос “байт” – маснавий, қасида, ғазал,

қитъя парчалари бўлиб, уларни Кошғарий ҳам “байт” деб атайди.

Китобда 7 та эпик достон, ишқий қўшиқлар, пандномалар, коинот яратилишига доир асотир, шеърлар, табиат манзаралари тасвири, мадҳиялар, фалсафий мушоҳадалар бор. Кошғарий девонида келтирилган VIII–XI асрларга доир туркий шеърият намуналарида у ёки бу даражада аruz вазнига ўтиш мойиллиги сезилади. Арузнинг ражаз, рамал, мунсарих, ҳажаз, басит, қариб, мутақариб вазнлари туркий назмда ишлатилган. Айниқса, ражаз баҳридан кенг фойдаланилган (44 парча). Бундай шеърларни муаллиф “уржузалар” деб номлади. Улар туркий халқ шеъриятида кенг тарқалган бўлиб, бу баҳр оҳангидар туркий шеърият табиатига мос келишидан бўлса керак³.

Маҳмуд Кошғарий “Девони луғатит турк” асарини ёзиб тугатгандан сўнг Бағдодда аббосийлар халифаси Абул Қосим Абдуллоҳга совға қиласи ва халифа уни мукофотлайди.

“Девони луғатит турк” юзлаб йиллар давомида йўқлик соясида ётди, асар қарийб уннутилаёзди. 1914 йилда Истанбулда уч жилдда чоп этилди. 1939–1943 йилларда Босим Аталай турк тилига таржима қилди. 1928 йил олмон шарқшуноси Карл Брокман ҳам бу китобнинг бир неча жузини, кейин ундан танланган шеър ва маталларни нашр эттирган. Шундан сўнг китобнинг немис, рус, хитой, ўзбек ва бошқа тилларга таржималари нашр этилди. Бугунги кунда бу бебаҳо асарнинг ягона қўлёзма нусхаси Истанбул Миллий кутубхонасида сақланади.

**Ёқуб БУХАРБАЕВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети докторанти**

¹ http://ferlibrary.uz/f/zhaonashta_sayye_olimlar_sabot_berdiyeva.pdf

² <https://saviya.uz/hayot/tarjimai-hol/mahmud-koshgariy-xi-asr/> (Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, 1999)

³ <https://saviya.uz/hayot/tarjimai-hol/mahmud-koshgariy-xi-asr/?imlo=k>

Ислом Ва олам

10 баравар кўпайди

Расмий маълумотларга кўра, сўнгти 30 йил мобайнида Испанияда мусулмонлар 10 баробар кўпайиб, 2,5 миллион кишига етган.



Хозир 1 миллионга яқин мусулмон Испания паспортига эга, қолганлари, асосан, Марокаш, Покистон, Бангладеш, Сенегал ва Жазоирдан келган муҳожирлардир. Мусулмонлар, асосан, мамлакатнинг Каталония, Валенсия, Андалусия ва Мадрид каби саноат худудларида истиқомат қилишади.

Ислом маркази лойиҳаси



Лойиҳага кўра, икки қаватли, тўрт минорали масжид 500 кишига мўлжалланган. Биринчи қаватида эркаклар учун, иккинчи қаватида аёллар учун намозхона бўлади. Марказда мадраса ҳам барпо этилади.

Россиянинг Урал қурилиш экспертизаси департаменти Екатеринбургда масжид ва мадрасадан иборат янги исломий марказ лойиҳасини маъқуллади: Масжид Шувоқиши ўрмон боғи худудида Екатеринбург қўйи Тагил автомобиль йўлида қурилади.

Лойиҳага кўра, икки қаватли, тўрт минорали масжид 500 кишига мўлжалланган. Биринчи қаватида эркаклар учун, иккинчи қаватида аёллар учун намозхона бўлади. Марказда мадраса ҳам барпо этилади.



Лондонда Қуръон кўргазмаси

Лондонда Янги зеландиялик рассом Суе Виксоннинг Қуръони каримда зикр қилинган ўсимликларга бағишлиланган кўргазмаси бўлди.

У 6 йил мобайнида Қуръони каримда тилга олинган 25 та ўсимлик ва меваларни тасвирлаш устида иш олиб борди. Кўргазмага чўл ўсимликлари, зайдун, саримсоқ, анор, хурмо ва шу бошқа мева суратлари кўйилди.

Виксон хонимда бу расмларни чизиш ғояси Абу Дабидаги “Шайх Зайд бин Султон Ол-Наҳаён” масжидини зиёрат қилиш пайти туғилган эди.

Ислом санъати музейи

Греция пойтахти Афинадаги Ислом санъати музейи мамлакатдаги энг машҳур санъат марказларидан биридир.



Музейда Юнонистонга Ислом динининг кириб келиши, усмонилар давригача бўлган ислом цивилизацияси тарихини ёритиб берувчи кўплаб экспонатлар бор.

Ислом санъати ва маданиятини акс эттирувчи қадимий нақшлар, қўлёзмалар, металл, шиша буюмлар, сочоп ашёлар ва тилла буюмлар, қилич ва қалқонлар шулар жумласидан.

Ночор мамлакатларга ёрдам

Қатар ночор мамлакатларга 60 миллион доллар ажратади.


Бу ҳақда Қатар амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол-Соний БМТнинг Доҳада бўлиб ўтган анжуманида маълум қилди.

“10 миллион доллар тўғридан-тўғри камбағал давлатларга, қолган 50 миллион доллари Доҳа ҳаракат дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларга йўналтирилди”, деди амир.



«Шердор» мадрасаси кунчиқар юртда

Япония умумтаълим мактаблари ўқувчиларига (9–12-синфлар учун) мўлжалланган «Жаҳон тарихи» фани ўқув қўлланмасининг муқоваси Самарқанднинг «Регистон» ансамблидан ўрин олган «Шердор» мадрасаси сурати билан безатилган. Кўлланмани Япониянинг иирик «Yamakawa Shuppansha Ltd.» нотирлик уйи чоп этган.



Янги экспонатлар

Доҳадаги Ислом санъати музейида Жануби-шарқий Осиё мамлакатларига оид янги кўргазма очилди.

Экспозицияда XIX асрга оид Қуръони карим қўлёзмалари, индонезияликларнинг Макка зиёратига оид фото далиллар, араб хаттотлари кўчирган асарлар, шунингдек, кийим-кечак, заргарлик ва уй-рўзгор буюмлари ўрин олган.

Кўргазмада 800 йил аввал Ява денгизида чўкиб кетган кема топилмаларига алоҳида хона ажратилган. Унда Мадагаскардан билур, шиша идишлари, Индонезия олтинлари, Хитой кулолчилик буюмлари бор.

Мадина – энг хавфсиз шаҳар

“Insure My Trip” етакчи сайёхлик сугурта компанияси жаҳон мамлакат ва шаҳарларининг хавфсизлик, дикқатга сазовор жойларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имконияти бўйича рейтингини тузди.

Бунинг учун компания мутахассислари дунёнинг 65 та иирик шаҳрини таққослади.



Рейтинг етакчилари икки ислом давлати – Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари бўлди.

Мадина аёлларга нисбатан бирор ножӯя ҳаракат йўқлиги ва тунда хавфсиз юриш қобилияти бўйича 10 баллдан 9,3 балл билан дунёдаги энг хавфсиз шаҳар деб топилди. Пайғамбаримиз шаҳарлари саёҳатчилар учун энг қулавай ва осуда жой хисобланди.

Хавфсизлик соҳасидаги энг паст баҳо Париж, Йоханнесбург, Куала-Лумпур шаҳарларига берилди.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

ЧАҒОНИЁННИ ким фатҳ этган?

Мовароуннахр ўлкасига келгандар саҳобалар ҳақида гап кетгандар, бирдан хаёлимизга Қусам ибн Аббос розийаллоҳу анхунинг (ваф. 57/677) Самарқандда шаҳид бўлиб, у ерга дағнин этилгани келиши табиий. Аммо манбаларни синчиклаб ўргансак, Термиз ва Ҷағониён ҳам саҳобалар бевосита кириб келгандар ҳудуд экани маълум бўлади.

Ҷағониённи Ҳакам ибн Амр Фифорий розийаллоҳу анху фатҳ этган. Ҷағониён ўлкаси – ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Денов, Бойсун, Қумқўрғон, Сариосиё ва Шўрчи туманларига тўғри келади.

Олимлар Мовароуннахр ҳудудига кириб келган илк мусулмон кимлиги ҳақида баҳс юритишган. Зиёд ибн Абу Суфён (1-53/622-673) уни 45/665 йилда Хурросон волийси этиб тайинлаган саҳоба Ҳакам ибн Амр Фифорий розийаллоҳу анху (ваф. 50/670) давр жиҳатидан Мовароуннахрга илк қадам қўйган саҳоба экани аёнлашади.

Тарихчи Балозурӣ (ваф. 279/892) дейди: “Ҳакам – дарё ортида намоз ўқиган аввалги шахсдир”. Имом Табарий айтади: “Дарёдан сув ичган мусулмонларнинг энг аввалгиси Ҳакамнинг мавлосидир. У совути билан дарёдан сув олиб ичди, сўнг Ҳакамга узатди ва у ҳам ичди ва таҳорат олиб, дарё ортида икки ракат намоз ўқиди. У ушбу ишни қилган энг аввалги кишидир”. У Тоҳаристонда ғазот қилган

эди. Марвда вафот этиб, ўша ерда дағнин қилинган. У мусулмон амирларидан Хурросонда вафот этган илк кишидир.

Айнан Тоҳаристонга юриш давомида ушбу саҳоба Ҷағониён ўлкасида ҳам бўлган, дейиш мумкин. Балозурийнинг “Футухул булдон” (“Мамлакатлар фатҳи”) асарида келтирилишича, буюк имом, тобеин Абдуллоҳ ибн Муборакнинг Ҷағониён аҳлидан бўлган ҳадис илми толибига бундай дегани нақл этилади: “Юртингни ким фатҳ этганини биласанми?” У: “Йўқ”, деди. У: “Ҳакам ибн Амр Фифорий фатҳ этган”, деди.

Тадқиқотчи Маҳмуд Шийт фикрига кўра, бу фатҳ 48/668 ёки 49/669 санада юз берган. Чунки Ҳакам Фур тоғларидаги ғазотдан 47/667 йили қайтган. Унинг 50/670 йили вафот этганини ишончли маълумот сифатида олсан, у юқорида келтирилган икки санада Ҷағониённи фатҳ этиш учун вақт ажратгани келиб чиқади. Зоро, Ибн Асирнинг маълумот берисича, у ҳаётининг охирги 50/670 йилида Хурросон чегарасидаги Ашал тоғига иккинчи марта юриш қилган ва шундан қайтиб келгандан сўнг вафот этган.

Ибн Саъд Ҳакам ибн Амр розийаллоҳу анхуни Хандақ ва ундан кейинги воқеаларда иштирок этгандар учинчи табақа саҳобалар қаторида келтириб, қунясини Абу Барза деган. Манбаларда унинг исми ёнига “Ақроъ” исми ҳам қўшиб айтилиши учрайди. Ундан ривоят қилинган ҳадислар Имом Муслимдан бошқа ҳадис тўпламларида келтирилган. Онасининг исми Умома бинти Абд ибн Молик бўлган. Бу зот Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафотларигача ёнларида бўлган, кейин Басрага келган. Бу ерда ушбу саҳобадан Ҳасан Басрий (21-110/642-728) ва Муҳаммад ибн Сийрин (33-110/623-729) каби тобеинлар ҳадис ривоят қилишган. Хурросон волийиси этиб тайинлангач, шу ерда улкан фатҳларни амалга оширган ва ўша жойда вафот этган.

У зотнинг қабри Марвда Бурайда Асламий (ваф. 63/683) розийаллоҳу анхунинг ёнида бўлиб, қабрлари орасида фарқ бир зироъ (тахминан, ярим

метр) бўлган. Қайд этилишича, Ҳакам ибн Амрнинг қизи Жанубга Кусам ибн Аббос розийаллоҳу анху уйланган. Ҳакам ибн Амрнинг Амр исмли ўғли ва унинг авлодлари қолгани айтилади.

Манбаларда қайд этилган Абдулкабир (ёки Ҳасан) ибн Амр ибн Ҳакам Фифорий ҳам унинг ўғли бўлиши мумкин. У зотнинг Рофеъ исмли иниси ҳам саҳобалик шарафига эришган.

Ривоятларга кўра, халифа Маъмун (170–218/786–833) Ҳурисондагида баъзи кишилар қабр қазишаётганда тўсатдан у зотнинг қабрига дуч келишади ва жасади чиримаганига гувоҳ бўлишади.

Жўрабек Чўтматов,
Ином Термизий халқаро илмий-
тадқиқот маркази катта
илмий ходими

Адабиётлар рўйхати:

1. Абу Жаъфар Мухаммад ибн Жарир Табарий. Тарих ал-умам вал-мулук. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1407/1986. V. Биринчи нашр. III, – Б. 236.
2. Иззиддин Абулхасан Али ибн Абулкарар Мухаммад ибн Мухаммад ибн Абдулкарим ибн Абдулвоҳид Шайбоний Ибн Асир Жазарий. Ал-Комил фит-тарих. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1407/1987. XI. Биринчи нашр. III, – Б. 308, 338.
3. Абу Саъид Абдулхай ибн Захҳок ибн Махмуд Гардизий. Зайн ал-ахбор. Форсчадан арабчага Аффон Сайид Зайдон таржимаси. – Коҳира: Ал-Мажlis ал-аъло лис-сақофа, 2006. – Б. 167.
4. Абулаббос Аҳмад ибн Яхъе ибн Жобир Балазурий. Футух ал-булдон. – Байрут: Муассаса ал-маъориф, 1407/1987. – Б. 576-577.
5. Абулҳажжоҳ Юсуф ибн Закий ибн Абдураҳмон Миззий. Тахзиз ал-камол фий асма ар-рижал. – Байрут: Муассасату-ррисола, 1400/1980. XXXV. Биринчи нашр. VII, – Б. 124–129.
6. Махмуд Шийт. Қодат ал-фатҳ ал-исломий фий билад Мовароуннаҳр. – Байрут-Жидда: Дору Ибн Ҳазм – Дор ал-Андалус ал-хаэр, 1418/1998. Биринчи нашр. – Б. 118.
7. Шамсуддин Камалиддинов. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – С. 132.

Хато ва бидъат

ўрнак бўлолмайди

Касб тақозоси билан элнинг яхши ёмон кунларида хизматда бўламиз: баъзан тўй-ҳашам, баъзида жаноза бўлиб туради. Шундай пайтларда одамларимиз динимизга алоқаси бўлмаган удумларни қилишга уринишади.

Чунки ҳалқ орасида “кўпдан қолма” деган тушунча шаклланган. “Ҳамма шундай қиласи”, “Урф шунақа”, “Кўп қатори биз ҳам...” деган гаплар тез-тез қулоққа чалинади. Аммо ҳар ишда оммага эргашиш доим ҳам тўғри бўлавермаслиги ҳақида бот-бот тақорласак ё кишиларни Аллоҳ амр қилган ибодатларга чорласакда, афсус, кўпчилик гапимизга кирмайди.

Бу масалага уламоларимиз бундай жавоб беришган: “Хато ва бидъат ишлар ўрнак бўлолмайди. Гарчи уларни кўпчилик қилаётган бўлса-да, янгиш амал тўғри бўлиб қолмайди. Шунингдек, тўғри ва яхши амаллар ҳам доим кўпчилик билан бўлмайди. Яъни, кўплар тўғри йўлни билмаслиги ҳам мумкин.

Бу ҳақда қўйидаги оятларни келтириш ўринли: “Ер (юзи)даги кўп кишилар (сўзи)га итоат қиласиган бўлсангиз, Сизни Аллоҳ йўлидан янглиширадилар...” (Анъом сураси, 116-оят); “...одамларнинг аксарияти оятларимиздан ғофилдирлар...” (Юнус сураси, 92-оят); “Уларнинг аксарияти фақат гумон ортидан эргашадилар...” (Юнус сураси, 36-оят); “Уларнинг кўплари ёлғончилардир...” (Шуаро сураси, 223-оят); “...сизларнинг кўпларингиз ҳақиқатни ёмон кўрувчи дирсиз...” (Зухруф сураси, 78-оят); “Энг тўғри дин шу (Ислом)дир, лекин кўп одамлар (буни) билмаслар” (Рум сураси, 30-оят)...

Тарихга назар ташласак, Нух алайҳиссаломга эргашиб, кемасига чиқиб қутулганлар, кемага чиқмай ҳалок бўлганларга қараганда жуда оз эди (Худ сураси, 40-оят). Демак, иймон келтириб, тўғри ва солих амал қилувчиларгина нажот топади. Вақт эса кутиб турмайди...

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ,
Қамаши тумани “Чим” жоме масжиди
имом-хатиби

Соиб отанинг бироз тоби қочди. Бадани жунжикиб, совуқлиги ошди. Юмушларни ёрдамчисига тайинлади, уйига йўл олди.

Чолининг ранг-рўйини қўриб, Сабоҳат холанинг капалаги учди. Иssiқ чой дамлаб берди. Доктордан гап очганди, чол унамади. “Пича ҳорибман, бирпасда ўтиб кетади”, деди.

Соиб ота йигирма йиллар бурун маҳалла гузаридан чоғроқ-қина дўкон очганди. Савдо ватижорат одобларига оғишмай амал қилди. Ҳалол ишлади, бирорвонинг ҳақига хиёнат қилмади. Ишлари юришиб кетгаҳ, дўкони ҳам кенгайди. Ёнига ишчилар олди, уларниям омонатдорликка, қўли калталарга ёрдам беришга ўргатди.

Отанинг икки ўғил, икки қизи бор. Ҳаммаси уйли-жойли — ўзларидан тиниб-тинчиган. Ярим тунда уйғонса, кенжаси Ботиржон ишдан қайтиби.

— Ассалому алайкум! Яхшимисиз, ота? — Ботиржон ҳол-аҳвол сўрай кетди.

— Яхшиман, Худога шукр. Ўзинг тузукмисан, яхши етиб келдингими?

Соиб отанинг овози дардчилик қиди. Ботиржон саросимага тушди. Отасининг ҳай-ҳайлашига қарамай, доктор чақиртиди. Шифокор ҳам бирпасда етиб келди ва беморни текшира бошлади. “Чарчаганлар, озгина шамоллаши ҳам бор. Бир ҳафта даволанса, кўрмагандай бўлиб кетади”, деди.

Шифокор кетгаҳ, Соиб ота ҳабдорини ичиб, яна узала тушди.

Соиб ота эрталаб анча тетик уйғонди. Ҳовли айланди. Набираларини ўйнатди. Нонуштадан сўнг аллақандай қайдларни ҳам кўздан кечирди. Сўнг дарвоза ҳатлаб кўчага чиқмоқчи эди, юра-

Ота vasияти



ги дош бермади. Яна изига қайтди. Кун бўйи набиралари билан андармон бўлди.

Шом чўқди. Шу орада Соиб отанинг яна тоби қочди. Ботиржон отасининг қошидан бир қадам жилмади. Чой деса чой, сув деса сув узатиб турди. Ҳамма уйқуга кетгаҳ, Соиб ота Баҳромжонга насиҳат қила бошлади. “Болам, мениям бу дунёга боғлаб қўйгани йўқ. Беҳузурман. Худо берган умрдан розиман. Бир умр яхшиликка интилиб яшадим. Сизлар ҳам одамларга фақат яхшилик қилинглар. Болам, анув жавондаги яшил дафтарнинг ичидаги конверт бор. Унда васиятим ёзилган”.

Ботир отасининг гапларидан дағ-дағ титради. Кўнглига алланечук хавотир ўрлади. Онаси, акаси ва опаларини чақириб келди. Ҳамма жамулжам бўлғач, отанинг ранг-рўйи янада очилди. Гурунг қизиди. Соиб ота ёшлиқдаги шўхликларини ипга тизгандай гапириб, ҳаммани кулдирди. Тун яримлагач, ҳаммалари хушнуд бўлишиб, уй-уйларига тарқалишиди.

...Эрталаб совуқ хабар тарқалди. Унинг яқинлари қайғуга чўмди. Начора, Аллоҳнинг иши.

Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Ботиржон ташвишлар билан бўлиб отасининг васиятини унуди. Эсига келгаҳ, дарҳол дафтарни топди. Хатни ўқий бошлади. “Ботиржон, ўғлим! Умрим бўйи кўп одамлардан яхшилик кўрдим. Дўкон очиб, ишим юришган маҳали мен ҳам муҳтоjlарни қўллашга ҳаракат қилдим. Бу рўйхатда қарз олиб беролмай юрганларнинг исм-шарифлари бор. Дўкон олдидаги Жамила хола набирасини даволатиш, Исматбой эса ўғлининг ўқув шартнома пулини тўлаш учун қарз ол-

ганди. Қолғанлари эса насия савдо — дүйкөндан мол олиб, пул топғанда бераман, деган. Ҳамма қарзимдан воз кечдим. Буни уларга етказ. Қарздорман, деб хижолат чекиб юрмасин”.

Ботиржон тұлықди, бұғзини күйдіриб аччиқ ёш келди.

У ишни нимадан бошлашни билмади. Ҳамон күнгил сўровчилар келиб-кетиб турарди. Шу орада маҳалла имоми ҳам келиб қолди. Отасининг васиятини унга айтмоқчи бўлди. Риё бўлмасмикин, деган хаёлга ҳам борди. Йўқ, аҳли илмдан маслаҳат сўраган маъқул, деган қарорга келиб, ичини ёрди. Домла, насия мол олганларнинг олдидан бир-бир ўтишни насиҳат қилди.

Ботиржон хатда ёзилган кишиларни излай кетди. Жамила хола билан Исмат амаки ҳақиқатан ҳам камхарж одамлар экан. Отасининг васиятини айтганди, кўзларига ёш олиб, дуолар қилишди.

Насия маҳсулот олганларнинг баъзиси қарзини қайтарди. Айримлари эса: “Қарзни қайтариш лозим, имконимиз бўлганда, албатта, қайтарамиз, деб туриб олишди.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Ким одамларнинг молини (қарзга) олиб, уни адo этишини ирода қилса, уни Аллоҳ (Ўз ёрдами ила) адo этади.** (Бирорнинг молига) талафот етказишни ният қилиб олган одамни Аллоҳ талафотга учратади” (Имом Бухорий ривояти).

Бахромжон йигилган пулларни дўйоннинг ишига аралаштирмади. Ахир отаси “воз кечганман”, деганди-да. Шунинг учун маблагни кўшни маҳалладаги бева аёлга садака қилди.

У уйига қайтар экан, чексиз ҳузур-ҳаловатни ҳис этди. Отаси каби инсон бўлишга ич-ичидан аҳд қилди.

Насриддин Қўлдошев

Бир кунда бир соат



“Ибн Шайх Ҳузомайн” номи билан танилган шайх Абул-Аббос Аҳмад ибн Иброҳим Ал-Воситий айтади: «Ҳар биримиз бир кеча-кундуз ичидан Парвардигоримиз азза ва жалла учун бир соат вақт ажратайлик. Бу соатда қалбимиздан дунё ташвишларини чиқариб, ўй-хаёлимизни Аллоҳ таоло ҳузурида жамлаб, бошқа барча нарсадан үзилишга интилайлик. Шу йўл билан инсон Аллоҳ ҳузуридаги ўз ҳоли ва мақомини билиб олса бўлади. Қайси инсоннинг Аллоҳ ҳузурида мақоми бўлса, У Зотга яқинлиги бўлса, ўша соатда тоат-ибодатга ғайрати жўш уради, Аллоҳ азза ва жалланинг таъзими ва муҳаббати билан қалби яйрайди. Бу соат инсонни молу дунёси ва яхши кўрганларидан ажратадиган қабрдаги ёлғизлик ҳолатига ўхшайди. Бир кеча-кундузда атиги бир соат муддатга қалбини дунё ташвишларидан бўшата олмаган инсон Парвардигори олам ҳузурида яқинлик мақомига эга эмаслиги, муҳаббат ва маҳбублик баҳтидан бебаҳра эканини билсин ва ўз ҳолига йиғласин. Яратганга қурбат ва унс мақомидан оз бўлса-да насибадор бўлишга бор куч-ғайрати билан ҳаракат қилсин. Банда бир кунда ўша бир соатини Аллоҳ учун сарфлашга эриша олса, шунда кундалик беш вақт намозини рисоладигидек ҳузури дил ва хушу билан, руку, саждада Ҳақ таолонинг ҳайбатини ҳис қилган ҳолда адo қилиши мумкин бўлади. Биз бандалар бир кунда 24 соат ичидан атиги бир соатини Аллоҳ таоло учун ажратишга баҳиллик қилмаслигимиз, бу соатда У Зот таолога хушу-хузу билан ҳақиқий ибодат қилиб, сўнг бу хушуни ўқиётган намозларимизга ҳам кўчиришга ҳаракат қилмоғимиз лозим».

Мұхаммад Юнус ибн Абдусаттор

Гўдакдайин яхши кўраман...

ҚЎМСАШ

*Ўқинг Анвар қори, ўқинг биродар,
Муқаддас Куръоннинг ояларидан.*

Абдулла ОРИФ

Кетди Анвар қори, сиймоси қолди,
Кўнгилларда равшан сафоси қолди.
Жойлари бўш эмас, аммо ва лекин,
Чўнг минбарларда садоси қолди.

Хайкириб айтарди Куръон номини,
Лутфидан таралиб иймону ихлос.
Чайнаб берардилар ҳадис нонини,
Чайналмай сўзларди авлиёга хос.

Кўп ҳам бўлмас эди, гап сўзлар, илло,
Шашт билан айларди ғуборни равшан.
Фарқлидир азалдан нур билан зиё,
Начора, дунёнинг бири кам.

ИСТИФФОР

*Ҳақ бир кўнгил бермиши манга,
Ким "Ху", деса, ҳайрон ўлур!
Юнус ЭМРО*

Кўнгил излаб кўнглим синди,
Умидимдан музлар ўнди.
Кутар бўлдим ўша кунни
Бир "Ху" билан кетар бўлдим.

Ҳолим аён, ғалат, ғалат,
Кимлар билан бўлдим улфат?
Налар бўлур сўнгда қисмат
Хайрону лол ўтар бўлдим.

Теграмда бу мезон ҳайрон,
Бўй бўйлатмас росту ёлғон.
Бир кемада яхши ёмон,
Ул қирғоққа етар бўлдим.

Шайтонга иш қолмадиёв:
Ўзимизга ўзимиз ёв.
Қандоқ бўлар эртан сўров?
Надоматлар ютар бўлдим.

Суюндиқман, суюнмадим,
Кўрдим, билдим тийилмадим.
Яхшидан ибрат олмадим,
Найлай, йўли хатар бўлдим.

Хор айлама, Раҳмон, Раҳим,
Ўзинг Карим, Ўзинг Азим.
Ўзинг Faффор, Ўзинг Саттор,
Қабул айла тавбаларим!

СОФИНЧ

Ота, сизни соғиндим жуда,
Она, сизни кўргим келади.
Юзингизга юзимни қўйиб,
Бағрингизда тургим келади.

Хаёлимдан жилмайсиз, илло,
Софинч билан яшайман тўлиб.
Осмонлардан – таскин кутаман,
Сиз қуёшу ойимни қўриб.

Софинаман дуоларингиз,
Ғанимлардан эди ҳимоя.
Арзларимни тинглар эдингиз –
Жазирамада бошимга соя.

Кексаликка етишдим мен ҳам,
Лек боладек хаёл сураман.
Икки кўз-ла соғиндим жуда,
Гўдакдайин яхши кўраман.

ҚОСИМ ШАЙХ АЗИЗОН

Кармана замини донишларга кон,
Сўзимга қўшмадим асло маҳобат.
Зиёга чўлғаса бандасин Раҳмон,
Азизон сафига айларкан ҳиммат.

Яссавий йўлини айлаб бардавом,
Маърифат дарсига бўлди муаллим.
Ортидан эргашиб эл – хосу авом,
Дину диёнатдан олдилар таълим.

Каромат илм-ла урушни тўсиб,
Амиру хонларга хос сўзин айтди.
Жанггоҳ майдонларда иттифоқ тузиб,
Ёвлашган дўст бўлди, шаштидан қайтди.

Ҳақиқат бурҳондир, азалу абад,
Зўру зар аҳлига насибмас зиё?
Валийлик не мақом, недур каромат,
Бунга тимсол эрур Қосим авлиё!

Суюндиқ Мустафо НУРОТОИЙ

ҲАШАР

"Ҳашар элга ярашар",
Бу мақолда ҳикмат кўп.
Ҳашарга деб айтсалар,
Йўқ демагин, дегин хўп.

Биритириб ҳаммани
Бир мақсадга чорлайди.

Хашари бор маҳалла
Келажаги порлайди.

Кексаю ёш жамланиб
Муштни урар бир жойга.
Күпдан қуён қутулмас,
Қочолмайди ҳеч қайга.

Текин ишлаш ярим кун
Бой қылмайди давлатни.
Хашар катта мактабдир
Тарбиялар авлодни.

Мерос бўлиб бизларга
Боболардан қолгандир.
Хашарда қатнашганлар
Кўп савоблар олгандир.

Боқоний дер ҳашарда
Иштирок қил, хизмат қил.
Кибрларни кетказиб,
Ўз номингни иззат қил.

“Ҳашар элга ярашар”,
Бу мақолда хикмат кўп.
Ҳашарга деб айтсалар,
Йўқ демагин, дегин хўп.

**Отабек Сафар ўғли
БОҚОНИЙ,**
Чирчиқ шаҳридаги
“Амир ўғли Ҳасанбой”
жомеи имом ноиби

БЕМОР ЗИЁРАТИ

Раб жамолин истасанг,
Бемор кўнглига боққин.
Ранжитма, маҳтал қилма,
Адо этгин қул ҳаққин.

Яхши сўзлардан сўзла,
Эртага умид уйғот.
Ким бўлса ҳам эъзозла,
Савобинг бўлсин қийрот.

Касал кўрмоқ одоби –
Кўп ўтирма қошида.
Кўнгилларнинг меҳроби,
Билсанг, bemor бошида.

Суҳбатингнинг сўнгида,
Ҳаққига қилгин дуо.
Касални йўқлаганнинг,
Ажрини берар Худо.

Абдулмутталиб СОБИРОВ,
Жалақудуқ тумани

“Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил...”

Жалолиддин РУМИЙ

* * *

Кўзларинг юм, эй инсон, кўзга айлансин кўнгил,
Дунё синоатларин қалб кўзинг ила кўргил.
Қалбингга боққил мудом, қалбинг кўзгудир сенга,
Вароқлаб қалб дафтарин, сарҳисоб қилиб тургил.

Ақлинг зиёси ила қалб ойнасин артиб тур,
Юрма мавҳум йўллардан, қалб буюрган йўлдан юр.
Дунё ишқи бевафо, Ҳақ ишқин жойла қалбга,
Йироқ бўл жаҳолатдин, зиё томон юзинг бур.

Не истаса гар кўнгил, бўйсунгай кўзларимиз,
Пок кўнгилда туғилгай покдомон сўзларимиз.
Кўзларимиз хира торттай, гар кўнгил тортса хира,
Хира кўнгил қаро қилғай бир куни юзларимиз.

Сув ичма асло ҳасад дарёсидан бир қатра ҳам,
Занглатур қалбинг ҳасад, келтирур бошингга ғам.
Ҳасадгўйни турқи совуқ бўлур улкан мор каби,
Тоза бўлмас ҳасадгўй қалб, ашқинг ила ювсанг ҳам.

Бошга тушса гар ташвиш, нола қилма, сабр қил,
Аригай ташвишларинг, бўлса соғлом гар кўнгил.
Руҳинг соғлом эрса, кўнглинг айланур кўзга бешак,
Кўзларингни юмгил бир зум, кўзга айлансин кўнгил.

Раббимқули ШОПЎЛАТОВ,
Учқудуқ тумани

ҲАЛОВАТ

Золим инсонлардан кўрсам залолат,
“Дўст” деб ишонгандарим қилса хиёнат,
Вужудимда офтобдек ошса ҳарорат,
Жойнамоз устидан топдим ҳаловат.

Озорлардан қалбим олса жароҳат,
Фийбатлар толдириб, келтирса офат,
Денгиздек, дарёдек тошганда ҳасрат,
Жойнамоз устидан топдим ҳаловат.

Сизни ҳам қийнаса бирор оғир дард,
Руҳингизни эзса андуҳ-надомат,
Меҳрибон Аллоҳга юзланинг фақат,
Жойнамоз устидан изланг ҳаловат.

Аллоҳга ошиқлик – асл муҳаббат,
Раббингизга қилинг тоат-ибодат,
Ана шунда қалблар қилгайдир роҳат,
Чунки жойнамоздадир асл ҳаловат,
Чин мўмин инсон учун шудир саодат.

Муҳайё КАРИМОВА

Яхшилик довонидан ошган эди...

Дунё яхши инсонлар, меҳр-оқибатли қариндошлар, инсофли дўстлар, савобатлаб, хайрсевар одамлар билан файзли, шукуҳли. Бундай инсонларнинг элга, маҳалла-кўйга, халқقا манфаати кўп тегади. Ана шундай кишилардан бири Насриддин ҳожи Низомиддин ўғли эди.

Ҳар гал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Сизларнинг яхшиларингиз умри узун, яхши амаллари кўп бўлганингиздир” (Имом Термизий ривояти), деган ҳадисларини ўқисам, хаёлимда Насриддин ҳожи тоғам гавдаланаверади.


Отасидан эрта етим қолган, она тарбиясини олиб, устозлардан диний илмларни ўрганган, элнинг хизматида яшаган Насриддин ҳожи ота Хосият ҳожи она билан бирга ўн икки фарзандни улгайтириб, элга кўшишди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари тоғамиз ҳар йили икки марта ўзи яшайдиган Сангижумон қишлоғидаги 40-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқувчиларига ширинликлар ва совғалар улашар, сабабини сўрасак, ёшлар илмга муҳаббатли бўлсин-да, деб қўя қоларди.

Тоғамдан нафақат диний илмларни, айни пайтда Исломга хизмат қилишни ҳам ўргандим. У киши ўзи яшайдиган қишлоқдаги масжид биносини қуриб берган. Қўшни Кориз қишлоғидаги “Изомиддин мударрис” жоме масжидини адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтказиб, кўп йиллар шу масжида имом-хатиб бўлиб ишлаган.

Давраларда у киши: “Ёшлигингизда тўйиб-тўйиб ибодат қилиб қолишимиз керак. Кексайганда танадан куч-қувват кетиши, оёқларнинг оғриши ибодатдаги ҳаловатни ўғирлайди”, деган гапни кўп такрорлар ва Сўфи Оллоёр ҳазратларининг:

“Ёшлигингда тоат қилсанг,
қаригунча кўникасан,
Кариганда тоат қилсанг,
кўникунча кўмиласан”,



деган сатрларини қўшиб кўяр эди. Ўзи ҳам умр бўйи шу сўзига риоя қилиб яшади. Бирор жойга сафарга чиқмоқчи бўлсақ, йўл бўйидаги масжидларга қараб мўлжални олар эди: пешинни фалон масжидда ўқиймиз, асрга бу жомега қайтиб келамиз, деб. Мен эсимни танибманки, тоғамнинг бирор намозни қазо қилганини эслай олмайман. Ҳатто умрининг сўнгги ҳафтасида тиббий амалиётни бошдан ўтказиб, наркоздан уйғониши билан: “Пешин вақти ўтиб кетмадими?..” деб сўрайди.

Тоғам ҳар куни бомдод намози вақтидан бир соат олдин уйғониб, таҳажжуд намозини адо этгач, Абдураҳмоний Қуръондан бир пора ўқишини канда қилмасди. Мабодо, чарчаган бўлса, бомдод намози вақтида туриб, бугун ухлаб қолибмиз деб, бомдоддан сўнг вазифани адо этарди. Кунлик зикрлар, тасбехларни ҳам ихлос билан айтишга одатланган эди.

Насриддин тоға таниш-нотаниш давраларда, йиғинларда ибрат олишсин деб пайғамбарлар тарихини, Ислом тарихини жуда гўзал тарзда етказар эди. Суҳбат чоғи бирма-бир меҳмонлардан «Сиз “Хидоят” журналига обуна бўлдингизми?» деб эринмасдан сўрап, “Ха”, деган жавобни эшитса, «Келинни “Мўминалар”га обуна қилинг, “Ислом нури” ҳам қоп кетмасин», деб тайинларди. Раҳматли

тоғамнинг бу куюнчакликларини энди-энди тушуняпман.

Тоғам аждодлари тарихини ҳам яхши биларди, шажарага доир икки-уч асрлик маълумотларни хотирада сақлаб, давраларда худди кўриб келгандек айтиб беришига қойил қолганман.

Кексайиб, 80 ёшдан ошган бўлса ҳам, тўйдан, таъзиядан қолмас эди. Тўй эгаларига, азадорларга маросимларни қандай ўтказиши ўргатар, бирор бидъат-хурофот бўлаётганини кўрса, одамларга ётиғи билан динимизда нима дейилганини тушунтиради. Ҳар доим майиттин ювишга енг шимаруб туради.

Тоғам ҳар ишда ибрат эди. Бир гал Тошкент шаҳридаги “Семашко” шифохонасида даволанганида, беморлардан бири пулини йўқотиб қўйганини, водий вилоятида яшashi, уйига қайтиб кетиш учун маблағи йўқлигини айтиб қолибди. Шунда тоғам нонушта маҳали ошхонага кириб: “Ассалому алайкум. Мана бу биродаримиз пулини йўқотиб қўйибди. Уйига кетишга имкони йўқ экан” деб, яхтагини ёзиб, устига чўнтағидан 50 минг сўм чиқариб қўяди. Бирпасда етарли пул йигилади.

Шу йил Рамазоннинг учинчи куни тоғам яшаб ўтган хонадонда хатми Қуръон қилиниб, ифторлик дастурхони ёзилди. Қишлоқдошлари у кишининг ўтган йилги Рамазоннинг сўнгги ифторлигигида: “Мен келаси йили Рамазонда бўлмасам керак. Ҳаққимга дуо қилиб қўйишини унутманглар”, деганларини эслаб, кўзларига ёш олишди. Тоғам 2022 йил октябрь ойида Тошкентдан қайтиб кетаётганида фарзандларига: “Бу сўнгги келишим...” дейди.

Ҳа, бир замонлар Тўхтамиш бобо (Насриддин тоғамнинг кароматгўй катта отаси) уч кун олдин ўз жанозасига тумандаги кўплаб танишларини айтиб келганини Насриддин тоға давраларда айтиб юрарди. Аллоҳ таоло у кишига ҳам катта отасидек вафот этишини олдиндан аён қилгани маълум бўлди.

Тоғамизни Аллоҳ таоло раҳматига олсин, охиратлари обод бўлсин! Динимиз йўлида қилган хизматларига яраша Раббим Фирдавс жаннатлари билан мукофотласин.

Абдуғани УМАРОВ,
Хатирчи тумани “Уцқора” жоме
масжиди имом-хатиби

Илоҳий файз

Ҳар бир кишига бошқага берилмаган илоҳий файз берилади, унга берилган илму ирфон, фаҳму фаросат бошқага берилмайди. Эҳтимол, унча-мунча киши билмайдиган илм ато этилади. Буларнинг барчаси Аллоҳнинг фазлидандир. Аллоҳ эса Ўз фазлини хоҳлаган бандасига ато этади ва У буюк фазл соҳибидир.

Ҳеч ким бандага берилган фазлни ман қила олмайди. Бизлар баъзи кишиларни осий, гуноҳ ишларга муккасидан кетган деб ўйлаймиз. Ваҳоланки, у Аллоҳнинг ҳузурида кечирилган бўлиши мумкин. Чунки инсонни ҳидоятга бошловчи ҳам, унга тавфиқ берувчи ҳам Аллоҳ таолодир. Ҳар бир иш Унинг измидадир.

Шундай экан, биз халойикдан энг ёмони менман, бошқалар мендан яхшироқдир, деган эътиқодда бўлишимиз керак. Чунки халойикда яширин валийлар, Аллоҳнинг дўстлари бор. Улар худди Қадр кечаси Рамазоннинг охирги кечалари орасига яширингандек, одамлар орасига яширинган. Шундай экан, такаббурлик қилмайлик, яхши амалларимиз, тоат-ибодатларимиз билан бирор кимсадан ўзимизни юқори санамайлик. Зоро, тоат-ибодат ҳам Аллоҳ таолонинг ихтиёрида. Истаса, олиб қўйиши мумкин. Ўзи асрасин...



Тарихи Мұхаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

БАДР ҒАЗОТИ

Бу ғазотда ҳозир бўлган саҳобалар уч юз ўн уч киши эди. Ўрталарида иккита от, етмишта туждан бошқа минарли нарса йўқ эди. Уруш қизиб келган чоғда Пайғамбаримиз чайладин чиқиб, баланд овоз билан шу оятни ўқидилар. Мусулмонларга нусрат бериш ҳақида Аллоҳдин шу оят вахий бўлган эди:

سَيْفُرْمُ الْجَمْعٍ وَيُؤْلُونَ الدُّبْرِ

“Саюҳзамул жамъу ва ювалунад-дубур” [Қамар, 54/45], яъни: “Куффор қўшини энди албатта енгилгайлар ва орқа ўгириб қочгайлар”, демакдур. [Изоҳли таржимаси: “Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар!”] Бу оятда айтилган-дек, аларнинг кўнгиллари қўрқинчликка тўлди. Жонлари бўғизларига келди. Ҳеч ерда қайрилиб қарай олмай ўлгандин, асир берилгандин қолганлари қочиб, аранг жон кутқаздилар. Бу урушда Абу Жаҳл бошлиқ Қурайш раисларидин бир неча атоқли кишилар ўлдирилди. Кўплари тутқун олинди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

هذا مصعر فلان

“Хаза масраъу фулан”, яъни “фalonчи шу ерга ииқилиб ўлар, falonchi бу ерда ииқилиб ўлар”, деб уларнинг ўладиган жойларини саҳобаларга кўрсатган эдилар¹. Пайғамбаримиз қайси жойни кўрсатган бўлсалар, нақ шу ўринда ўлдирилдилар. Бу ҳам Расулulloҳнинг мўъжизалари дур. Сўнгра ўликларни оралаб қарасалар, Абу Жаҳл кўринмади. “Унинг ҳоли нечук бўлди, билмадик”, дедилар. Расулulloҳдин бу сўзни онглаб бир неча саҳобалар ани излагани турдилар.

Иbn Маъсүд ани чалажон ҳолда топди. Ани ўлдурмак учун ўзи бир пайтлар “Иbn Умми Аbd” деб паст санайдурган Иbn Маъсүд келганини кўрган Абу Жаҳл кибр қилиб: “Сен ўлдираётган одам қавмининг қандай ҳам буюк одами-я”, деб хитоб қилди.

Иbn Маъсүд уни ўлдириб, бунинг хабарини Расулulloҳга етказгач, Расулulloҳ ҳамду сано айтдилар, сўнгра:

– Ҳар умматнинг ўз ичидан чиққан бир фиръавни бўлур. Бу умматнинг фиръавни Абу Жаҳл эди, бунинг ҳалоки билан Ислом дини ривож топар, – дедилар².

Сўнгра буюрдилар, бориб майдонда ётган ўликлар ийғидирилиб, шу жойдаги қудуқларга кўмилди. Расулulloҳнинг одатлари қайси ерда одам ўлиги кўрсалар, унинг кимлигини сўрамасдан, дарров кўмишга буюрар эдилар. Мушриклар ўликларини қудуққа ташлашиб ётган чоғда улуғ саҳобалардин Абу Ҳузайфа қараб турган эди. Укаси Валид, амакиси Шайба ташланган вақтда унча ўзгармаган бўлса ҳам, отаси Утбанинг судраб ташланганини кўрганда ўнги ўчиб, ўзида бир турлиғаму қайғу пайдо бўлди. Расулulloҳ буни сезиб:

– Ҳузайфа, отанг ҳолини кўриб, ачинганга ўҳшайсан, – дедилар. Анда у айтди:

– Ё Расулаллоҳ, отам билимли, ақлли, андишали киши эди, шунинг учун унинг Исломдин насибалик бўлишини умид қилар эдим. Энди мен тилаганча бўлмай, шу ҳолда ўлганини кўриб, кўнглим қайғуланди, – деб кўзига ўш одди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳузайфага тасалли бергудек сўз айтиб, анинг ҳақига дуо қилдилар. Сўнгра Расулulloҳ қудуқ қулогига келиб:

– Эй фалон ўғли фалон, мен айтган сўзларнинг ҳақлигини энди аниқ билдингларму? – дедилар. Анда ҳазрати Умар:

– Ё Расулаллоҳ, жони йўқ жасадлар бу сўзни қайдин англайдилар, – деди. Расулulloҳ:

– Аллоҳ оти билан онт ичурман, менинг сўзимни сизлардан яхшироқ англайдилар. Энди Аллоҳ айтган сўзларини чинлигини кўзлари билан кўришибди, – дедилар.

Шунинг учун уруш ўтиб, уч кун сўнгиди Мадинага қайтгали қасд қилдилар. Йўлга чиқмасдин илгари суюнч хабарини етказмоқ учун икки киши юбордилар. Бири мадиналик ансорлардан Абдуллоҳ ибн Равоҳа, иккинчиси Пайғамбаримизнинг асрори Зайд ибн Ҳориса эди. Булар келмасдин илга-

ри Мадина мунофиқлари ила Ислом душманни яхудлар мусулмонларни ғамгин қилмоқ учун аларнинг зиёнларига турли ёлғон хабарлар тарқатмиш эдилар. Хабарчилар келгандин сўнгра ёлғон йўқолиб, чин сўз майдонга чиқди. Мусулмонлар қувонишиб руҳлари кўтарилиди.

Мунофиқлар, яхудлар шарманда бўлишиб, хафаликда қолдилар. Буни эшитиб, Исломиятни қабул қилмаган бутун араб мушриклари зил кетиб, кўнгилларига қўрқунуш тушди. Бу суюнчилик хабар келган чоғда, Расулуллоҳнинг қизлари, ҳазрати Усмон аёллари Руқияни саҳобалар эндингина дағн қилишиб, қабристондин қайтишмоқда эдилар. Шу вақтда хабарчилар етиб келиб, Абдуллоҳ ибн Равоҳа қаттиқ қичқириб:

– Эй мўминлар, суюнчи! Расулуллоҳ соғсаломатлар, мушриклар раисларидан фалони, фалони ўлдирилди, фалон-фалонлар асир олинди, – деди. Буни эшитган яхудлар раиси Каъб ибн Ашраф:

– Бу сўзлар ёлғондур, агар Мухаммад буларни ўлдиргани рост бўлса, ер ости бизларга устидан яхшироқ бўлур, – деди.

Энди Расулуллоҳдин хабар эштайлик. Суюнчи айтиб Мадинага киши жўнатилгандин сўнгра ўзлари ҳам йўлга чиқдилар. Сафро деган жойга келганда қўлга тушган Курайш раисларидан Назр ибн Ҳорис ибн Қалада деган кишини ўлдиришга буюрдилар. Улуғ саҳобалардан Мусъаб ибн Умайр унинг бир туғишган қариндоши эди, уни Расулуллоҳга орачи қўйиб:

– Мухаммадга айтгил, бошқа йўлдошларим қаторида менинг ҳам жонимга омон берсун, – деди. Анда Мусъаб ибн Умайр:

– Сен бу ўлимдан омон топа олмагайсан. Аллоҳнинг китоби Қуръон ҳақида ва анинг Пайғамири Расулуллоҳ устидан не янглиғ ёмон сўзламиш эдинг, анга имон келтирган мўминларга турли азоблар бериб, қийномиши эдинг, энди шу қилмишларинг жазосини кўрмакдан бошқа чоранг йўқдур, – деб сўзини рад қилди. Шунинг билан ҳазрати Алига топширилиб, қатл этилди. Бир оғиз имон айтишга бўйни ёр бермасдин, дунё ва охиратлик давлатидан ажралди. Бошига қилич келган чоғида имон айтган бўлса эди, тавбаси қабул бўлиб ўлимдан қутулур эди.

Сўнгра ул жойдин кўчиб, Ирқус-Забия деган манзилга келдилар. Бу ерда Қурайш

аскар бошлиқларидан Уқба ибн Аби Муайтни ўлимга буюрдилар. Бу киши ҳижратдин илгари Маккада Расулуллоҳга ҳаддин оша адабсизликлар қилган эди. Бир куни Пайғамбаримизни чорлаб, зиёфат қилгани ўз уйига келтирди, таом ҳозирлаб емакка таклиф қилди. Расулуллоҳ анинг имонидан умид қилиб:

– Агар имон келтирмасанг, бу таомдин емайман, – дедилар. У ҳам қабул қилиб, шу ҳолда имон келтирди. Бу сўз халқ ичиға тарқалиб, катта-кичик ҳаммага маълум бўлди. Қурайш раисларидан Убай ибн Ҳалаф унинг энг яқин душманларидан эди. Бу сўзни эшитиб, қаттиқ қайғуланди. Отабоболаримиз юрган йўлдан чиқиб, аларнинг динини буздинг деб, уни кўп маломат қилди.

Анда Уқба:

– Уйимга меҳмон бўлиб келган Муҳаммадни таом едирмак учун тил учиди айтган бўлдим. Мен бу ишни чин кўнгил билан қилмадим, – деб аларга узр айтди. Қанча айтса ҳам, мушрик раислари унинг сўзига ишонмадилар. Анда Убай ибн Ҳалаф:

– Муҳаммадни қўрганингда, анинг юзига тупуриб, бўйини босиб, юзини ерга сурсанг, шундагина сўзингга ишонамиз. Йўқ эрса, сенинг юзингга боқиши кўзимга ҳаром қилдим, – деб онт ичди.

Ҳақиқатда эса Уқбанинг кўнглига имон нури кирмаган эди. Шунинг учун бир куни Расулуллоҳ Каъба олдида намоз ўқиб, сажда қилган чоғларида, дўсти топширган шу беадабсизликни ижро қилди. Аммо Расулуллоҳ намозни бузмадилар, намоз ўтаган сўнгида анга қараб:

– Агар сени Ҳарамнинг ташқарисида кўрар бўлсан, бошинг узра қилич кўтарурман, – деб нубувват нури билан шу кунги ҳолига ишорат қилдилар. Ортидан саҳобалардин Осим ибн Собитга топширилиб, ўлдирилди. Сўнгра Расулуллоҳ асирларни соқчиларга топширдилар.

**Алихонтўра СОҒУНИЙнинг
“Тарихи Муҳаммадий” асаридан**

Давоми бор...

¹ Имом Муслим. Жаннат, 76; Жиҳод, 83; Абу Довуд. Жиҳод, 115.

² Имом Бухорий. Саҳиҳул Бухорий, 64/7.

Ҳар гиёҳда шифо бор

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Қасамёд этурман анжир ва зайдун билан” (Тин сураси, 1-оят).

Япон олимлари анжир меваси таркибида бор бўлган “Methalonids” моддасининг таъсири фақат зайдун билан истеъмол қилинсагина кучли бўлишини аниқладилар. Энг яхши таъсир дарражаси бир дона анжир етти дона зайдун билан истеъмол қилинса, ундаги моддаларнинг таъсир дарражаси тенг бўлишини кашф қилдилар. Қизифи, анжир Қуръони каримда бир марта, зайдун эса етти марта зикр қилинган.

Мазкур икки мевани бирга истеъмол қилиш соғлом, ёш бўлиб юришга сабаб бўлади.

Анжир билан зайдун бирга истеъмол қилинса:

- 1) қондаги холестерин миқдорини камайтиради;
- 2) аёлларнинг ҳомилали бўлиш имконини оширади;
- 3) инсон жисмини кўркам, ёш ҳолатда туришига ёрдам беради;
- 4) қарилик аломатларини камайтиради;
- 5) озуқа сифатида қўллашга қулай;
- 6) ҳужайраларнинг вазифаларини аъло даражада бажаришига сабаб бўлади;
- 7) иш қобилиятини оширади, танага қувват бағшлайди;
- 8) эркаклардаги жинсий заифликка қарши самарали восита;
- 9) юракни қувватлантиради;
- 10) руҳий хасталикларнинг олдини олади.

Зайдун ёғи Қадимги Юнонистонда “суюқ олтин” деб номланган. Зайдун ёғининг бошқа мойлардан устун жиҳати шундаки, унинг таркибида 102 та элемент мавжуд. Аллоҳ таоло Нур сурасининг 35-оятида: “У (чироқ) на шарқий ва на гарбий бўлмаган муборак зайдун дарахти (мойи)дан ёқилур”, деб марҳамат қилгани бежиз эмас.

Зайдун мойи ичаклар, ошқозоности беzi ва жигар фаолиятини яхшилайди ҳамда



ўт пуфаги ҳалқаси атрофида тошлар пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Зайдун мевалари ҳазм бўлиш хусусияти жуда юқори, мойи эса хушбўйлиги, дориворлиги билан ажралиб туради. Япониялик олимлар зайдун таркибида одамни ёшартирувчи элементлар борлигини аниқлашди.

Биз юксак ривожланган технологиялар асирида яшаяпмиз. Ақлимиз қанчалик илдамлаб бораётган бўлса-да, танамиз баъзизда дардлар қаршисида чорасиз қолади. Дардни берган Шофий Зот шифосини ҳам қайсиdir ўсимликда, гиёҳда яшириб қўйган. Буни излаб топишимиш керак.

Кўпчилигимиз соғлигимиздан нолиймиз. Лекин Ибн Сино бобомизнинг “Тиб қонунлари”ни ўқимаймиз. Ибн Сино ўз даврида сунбулнинг юрак хасталигига даволиги, гулхайрининг нафас йўлини юмшатиши, арпабодиён ва шивитнинг балғам кўчириши, дафнанинг асабга ижобий таъсирини айтиб ўтган.

Бугунги кунда дунё миқёсида тиббиётда ва ҳалқ табобатида 120 мингдан ортиқ ўсимлик турлари ишлатилади. Жумладан, Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган ва маданийлаштирилган ўсимликлар сони 4 мингдан кўп, шуларнинг 500 дан ортиғи шифобахшдир.

Аллоҳ таоло шунча шифобахш неъматларни бизга инъом этиб қўйганига қарамай, бирор жойимиз оғриса, дорихоналарга югурамиз. Кимёвий дори-дармонлар танангизнинг оғриган жойига малҳам бўлиши мумкин, лекин бошқа аъзонгизга шикаст етказади. Шу боис кўпроқ бугун табиий гиёҳлардан фойдаланишимиз керак. Мен бунга “Ассута шифо” табобат марказида даволаниб, яна бир карра амин бўлдим.

Рихсибой ТОШМАТОВ